



2

ТАБИАТНИ АСРАШ ИНСОННИ АСРАШДИР



4

ЎЗБЕКИСТОН —
УМУМИЙ УЙИМИЗ



6

ҚАЙНОНА-КЕЛИН
ТИЛ
ТОПИШОЛМАСА...


ДЎППИ КИЙГАН ЮЗ ҚИЗНИНГ БИРИ



11

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ — БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

17



КЕЧА:

→ 1 декабрь — Жаҳон ОИТСга қарши кураш куни муносабати билан пойтахтимизда “Sen yolg‘iz emassan” республика жамоатчилиқ болалар жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида давра суҳбати ташкил этилди.

БУГУН:

→ Бугун дунё миқёсида 3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни сифатида кенг нишонланади.

→ Болгарияда футбол бўйича аёллар ўртасида ўтказилган Европа кубоги ўйинларида Қаршининг “Севинч” жамоаси финалда Россиянинг “Рокада” клуби қизларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, Европа кубоги соҳиби бўлишди.

ЭРТАГА:

→ Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ҳамда БМТ Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш учун ҳуқуқий ва ташкилий салоҳиятини ривожлантириш” қўшма лойиҳаси ҳамкорлигида очилган миллий кино ҳафталиги шанба куни ниҳоясига етади.

→ Ватанимизнинг барча ҳудудларида 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллиги байрамини нишонлашга кенг тайёргарлик кўрилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг қарорига биноан 5 декабрь — шанба дам олиш куни, 7 декабрь душанбага кўчирилди.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

Пул ҳам, вақт ҳам топилар, лекин...	3
Касбнинг кераксиз бўлмайди	5
Қайд этилмаган никоҳ — турмуш учун чоҳ	7
Ёруғ манзилларга чорласин йўллар	7
Теледастурлар	8–10
Тўй шовқини: ё хатар, ё жарима(!?)	23
Текин луқма татимас	24

✓ БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аънаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 4-модда)

эллика яқин миллий маданият маркази фаолият кўрсатмоқда. Бир оила фарзандларидек истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари урф-одат ва аънаналари, қад-

ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

Республика Байналмилал маданият марказида Ўзбекистон Фанлар академияси, Маънавият тарғибот маркази, Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби ташкилотлар ҳамкорлигида Конституциямиз қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган «Истиқлол: ислохотлар моҳияти, тараққиёт ва демократия» мавзuida илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Унда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, миллий-маданий марказлар, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дигломатик корпус вакиллари, олимлар, ўқитувчилар иштирок этди.

Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари Н.Мухаммадиев, «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази директори Р.Убайдуллаева, Республика маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси А.Алимов, «Маҳалла» жамғармаси раиси А.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимиз фаровонлигини ошириш, Ватанимизнинг куч-қудрати ва иқтисодий салоҳиятини мус-



таҳкамлаш, халқаро майдондаги нуфузини янада юксалтириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги аҳиллик, тинчлик ва тотувлик жамиятимиздаги меҳроқибат, бағрикенглик муҳити муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари урф-одатлари ва урф-одатларини сақлаш, ривожлантириш масалаларига улкан эътибор берилётган.

Бугунги кунда юртимизда бир юз

риятларини асраб-авайлаш, янада равнақ топтириш, ёш авлодни эзгулик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, бунёдкорлик руҳида тарбиялашга, уларда фаол фуқаролик позициясини қарор топтиришга ушбу марказлар ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётган.

Анжуманда Ўзбекистон — бизнинг умумий уйимиз, виждон эркинлигининг конституциявий асослари, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик, Ўзбекистон Конституцияси — диний бағрикенглик ва конфессиялараро тотувлик таъминлашнинг кафолати каби мавзуларда маърузалар тингланди. Шу кунли Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида «Ўзбекистон — умумий уйимиз!» фестивали бўлиб ўтди. Унда санъат усталари, юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказларининг концерт дастури ҳам тасвирий ва амалий санъат кўргазмаси намойиш этилди.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Ақбарова сўзга чиқди.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Оила ва жамият

почтасидан

✓ КИНОҲАФТАЛИК

БЕПУЛ КИНО КЎРМОҚЧИМИСИЗ?



Рост, ишонаверинг, икки кундан бери Тошкентдаги Киночилар уйида «Аёлни улуғлаб» деб номланган миллий кино-ҳафталик дастурига киритилган ажойиб фильмларни кўпчилик мириқиб томоша қилаёпти.

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Ўзбекино» Миллий агентлиги ва БМТ Тараққиёт Дастурининг «Ўзбекистонда аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш учун ҳуқуқий ва ташкилий салоҳиятини ривожлантириш» кўшма лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур киноҳафталик доирасида хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги ижтимоий фаолигини ошириш билан боғлиқ маънавий-маърифий тадбирлар, махсус кўргазмалар ҳам уюштирилади.

Секиб турибмиз, «хўш, бу киноҳафталикда қандай фильмлар намойиш этилади?» деган савол кўнглингиздан ўтаётгандир. Бу ўзига хос тадбирда бевосита миллий қадриятларимиз мадҳ этилган, шунингдек, бугунги ўзбек аёлининг ўрни, кадр-қиммати, шаъноб-буриси билан боғлиқ жиҳатлар маҳорат билан очилган бадиий ҳамда ҳужжатли фильмлар тақдим этилмоқда. Аллақачон зукко муҳлислар эътиборини қозонишга улгурган «Сув ёқалаб», «Эркак», «Энажон», «Чашма», «Яйра Абдуллаева», «Қишлоқ аёли» сингари ўнлаб киноасарлар ҳафталик дастурига киритилган.


Демак, кеч қолманг, Киночилар уйида оилангиз билан бирга энг сара миллий фильмларини томоша қилинг. Киноҳафталик шанба кунни ниҳоясига етади.

(Ўз мухбиримиз)

МАКТАБДА

«ҲОСИЛ БАЙРАМИ»

Тўғри, қишлоқда яшаётган болакай шаҳардаги муҳташам биноларни ёхуд каттақон Хайвонот боғини томоша қилса, ҳайратга тушиши табиий. Бу унинг тасаввуридида эртанаман манзараларга ўхшайди. Лекин...



Эрталабки нонушта дастурхонига ёки тушлик овқати билан бирга тортиқ этилаётган турли хил мева-чевалар, бир сўз билан айтганда, она табиатнинг бебаҳо неъматлари, бободехқоннинг йил бўйи қилган меҳнати ортидан етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳақида шаҳар шароитида улғаяётган фарзандларимиз қандай тасаввурга эгалар? Бугун бозорларимизни безаб турган ўнлаб турдаги нонлар қандай пайдо бўлади?

Ана шу саволларга жавоб топиш ниятида Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов туманига қарашли 219-мактаб ўқувчилари ўртасида «Ҳосил байрами» деб номланган ажойиб кеча уюштирилди. Саховатли олтин куз неъматларидан тортиб, айримлар қай тарзда етиштирилиши тўғрисида тўлиқроқ маълумотга эга бўлмаган турли хил маҳсулотлар намойиш этилди. Энг эътиборли жиҳати, мактаб ўқувчиларининг ўзлари ана шу ноз-неъматлардан ҳар хил чиройли ўйинчоқлар, шакллар ясашиб, катталарни ҳайратга солишди. Ниҳоят, «Ҳосил байрами» дастурига киритилган «Энг намунали синф» сифатида 8-9 синфлар, «Энг миришкор синф» деб 7-6 синфлар топилган бўлса, «Энг уддабурон синф» номига мактабнинг 5-а синф ўқувчилари сазовор бўлишди.

Зебунисо ҒАФФОРОВА

Ушбу рамаз остида берилаётган мақола-лар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз халқини 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этади!



ЭНГ МУҲИМ ПОЙДЕВОР

Озод ва обод Ватанимиз Конституциясининг қабул қилинганлигига ҳам 17 йил тўлмоқда. Ана шу қисқа, лекин асрларга татиғулик мuddат мобайнида республикамизда иқтисодий-сиёсий, ижтимоий соҳалардаги қанчадан-қанча ўзгаришлар, ислохотлар, бунёдкорлик ишлари амалга оширилганига, шу жумладан, жамиятимизнинг «асосий бўғини» сифатида эътироф этилган ҳар бир оилада, фуқаролар ҳаётида Конституциямизда белгилаб қўйилган энг асосий принципларнинг қай даражада акс этаётганига гувоҳ бўлдик.

Конституциямиз тарихан синалган умуминсоний, умумбаршарий қадриятларни ўзида мужассам этган муҳим ҳужжатдир. Унда халқимизнинг узоқ ўтмиш даврлардан буён шаклланиб келаяётган миллий тафаккури, муқаддас қадриятлари ўз аксини топган.

Маълумки, ҳар бир жамиятнинг ва давлатнинг ўзига яраша ҳамда барча учун бирдай бажарилиши лозим бўлган қонун-қодалари бор. Конституция — бу давлатнинг ижтимоий давлат тузилиши, сайлов тизими, давлат органларининг тузилиши ва уларнинг ишини, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берувчи асосий қонундир. 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чакриқ ўн биринчи сессиясида Президентимиз раҳнамолигида мустақил рес-

публикамизнинг илк Конституцияси қабул қилинган эди. Натижада, ўзига хос тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистонимизнинг ўзига хос ва мос Конституцияси дунёга келди.

Утган вақт мобайнида ҳаётнинг ўзи бизни не-не синовлари билан тобламади ва бугун ҳам дунёда, узоқ ва яқин атрофимизда давом этаётган нотинчлик, халқаро майдонда терроризм хатари кучайиб бораётганини инобатга оладиган бўлсак, республикамиздаги барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ўзаро жипслик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш замирида Юртбошимиз раҳнамолиги остида узоқни кўзлаб олиб борилаётган изчил сиёсат ётибди. Бу эса

ҳаммамизга янада жиддийроқ масъулият юклаш билан бирга ўз юртимизни эъозлаш, қолаверса, ҳар лаҳза хушёр ва онгли равишда шундай осуда, до-риломон кунларнинг қадрига

етмоқликка ундайди.

Жаҳон тарихи ҳам шундан далолат берадики, миллий анъаналари, қадриятлари ва томирларидан узилмаган, ўз кадр-қиммати ва гурурини сақлаб қолиш билан давлат ва миллат ўз мурод-мақсадига етади. Конституцияда мустаҳкамланган юксак маънавий, ахлоқий қадриятлар ва миллий анъаналарнинг ҳаётга татбиқ этилиши жамиятимизнинг янгиланишига кўмаклашади. Жаҳон демокра-

тик ҳамжамиятига кириб бораётган мамлакатимиз фуқароларида янгича турмуш тарзи ва янгича тафаккурни шакллантиради.

Конституция биз учун энг азиз ва мўътабар қонун. Уни ҳурмат қилиш, ҳимоя этиш ва унга муносиб бўлиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. Бош қонунимизнинг эътиборга молик жиҳати шундаки, у давлат ва жамият қурилишининг долзарб масалаларини ҳал қилган ҳолда бизнинг олдимизга ҳам бир қанча улғувор вазифаларни қўяди.

Маълумки, 2009 йилнинг 27 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлови бўлиб ўтади. Бу муҳим сиёсий воқеа фуқароларимизнинг Конституцияда белгилаб қўйилган ўз ҳақ-хуқуқларидан қай даражада фойдаланиш имкониятини кўрсатади. Шу билан бирга бу имконият ҳар бир сайловчи учун жиддий масъулият ҳам юклайди.

Конституциямиз бизлар учун келгусида ҳам юксак бунёдкорлик мақсадига йўналтирилган ҳуқуқий демократик ислохотларнинг, шунингдек, кучли фуқаролик жамияти қурилишида пойдевор бўлиб хизмат қилаверади.

Шавкат ҲАҚНАЗАРОВ,
Жиззах вилоят
Адлия бошқармаси
бошлиғи.

АКС САДО

ЭРТАГА КЕЧИКМАНГ


«Тиббий кўрик кўриқинчи эмас!» — 47-сон.

«Кизиқ, дардимиз кучайгач, шифокорга югураемиз, ташхисни билгач эса ўз-ўзидан ҳар ҳолда ўладаган касал эмас эканмиз-ку деб, хотиржам бўламиз-да, яна обдон даволанишни ортга сураемиз...»

Ушбу мақолани ўқигач, ўйланиб қоласан киши. Ҳақиқатдан ҳам нега ўз саломатлигимизга бу даражада бефарқмиз? Бир қараганда, ҳамма-нинг ақли, салоҳияти, уйдабуронлиги ҳавас қилса арзигулик. Аксариятимиз нафақат касалликлар, балки ҳозирги кунда қандай дори семиртиради, қай бири ёшартиради, нима қилсангиз қувватингиз ошади, сочингиз ўсади, ва ҳатто омадимиз келади... буларнинг барчасини яхши биламиз. Тўғри, ўзимизнинг билганимиз - ўзимизники. Лекин шу билмидонлигимиз билан саломатликка нисбатан эътиборсизлигимиз ўта-кетган калтабинлик, лоқайдликдан бошқа нарса эмасми?

Айримлар тиббий кўриқдан ўтишда нафақат вақтини, балки пулини ҳам қизганиши тайин. Бу эса эртага қандай ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ўйламаймиз. Қолаверса, шифокорга учрашишдан истиҳоло қиламиз, чўчиймиз. Бошимиз ёстиққа теккандагина дўхтирга югураемиз. Ушанда пул ҳам топилади, вақт ҳам. Афсуски, унда кеч бўлади. Эртага саломатлигимизни асраб қолишда кечикишимиз мумкинлигини унутмайлик.

Назokat МУҚИМОВА,
Тошкент шаҳри.



ҚЎҚОН БОЗОРИНИ КЎРМАБСИЗ...

Водийга қадам ранжида қилган меҳмон қадим Қўқон шаҳрини четлаб ўтиб кетолмайди. Чунки катта қарвон йўлида жойлашган бу гузал гўша неча асрларки, ўзига хос мейморий обидалари, миллий ҳунармандчилик анъаналари билан алоҳида ажралиб туради. Айниқса, истиқлол йилларида бу бетакрор манзил ўзгача қиёфага эга бўлди.

Яқинда эса қўқонликлар, тўғрироғи, шаҳарга ёндош туман ва қишлоқлар аҳли яна бир ажойиб янгиликка гувоҳ бўлишди. У ҳам бўлса ўша ҳаммамиз таърифу тавсифини эшитган Қўқон дехқон бозори қайтадан қуриб битказилди. XIX асрда ҳам худди ана шу жойда гавжум бозор бўлганлиги ва аҳоли орасида бу ҳудуд «Замбарчорсу» деб аталганлигини кексалар кўп бора таъкидлашди.

— Умумий ер майдони 4 гектардан иборат бўлган бу бозор шахсан Юртбошимизнинг ташаббуси ҳамда ҳукуматимиз томонидан кўрсатилган эътибор туфайли бутунлай янги, замона-

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ

вий услубда бунёд бўлди, — дейди «Қўқон дехқон бозори» очик турдаги акциядорлик жамияти раиси Обиджон ТОЛИПОВ. — Агар бундан икки йилгина аввал шу бозорни кўрган меҳмон энди қайтиб келса, умуман танимайди. Биламизки, қадимда ҳам қандай юртда энг аввало халқнинг тўқ, фаровон яшаётганлигининг рамзи сифатида бозорларга катта эътибор қаратилган. Худди ана шу азалий анъана бизнинг заминда давом этаётган-

лигини мана, бизнинг бозоримизга ўхшаган миллий ва шарқона кўринишда қурилган бошқа бозорларимиз ҳам исботлайди.

Мастурахон ҒИЁСОВА, тadbirkor:

— Тошкент, Самарқанд ва бошқа катта-катта шаҳарларга борганимда «бизнинг Қўқонда ҳам шундай чиройли, ҳашаматли бозорлар қурилармикан?» деган ўй кўнглимдан ўтарди. Бугун кўзларимга ишонмаяпман, ҳеч муболағаси йўқ, керак бўлса энди бизлар ҳам шундай гузал бозоримиз билан ҳар қанча мақтансак арзийди.

Айни пайтда очик ва ёпиқ савдо майдончаларига эга бўлган бозорда юздан ортик рас-талар, махсус павильонлар сотувчилар хизматида. Саховатли заманимизнинг бебаҳо неъматлари тартиб билан жойлаштирилган. Яна бир эътиборли жиҳати, бозор маъмурияти дехқонлар ва фермерларнинг ўзлари билан тўғридан-тўғри шартнома тузиб, уларнинг маҳсулотларини харид қилишгаётган экан. Бу эса олибсotar ва мўмай даромад топишга ўрганиб қолган, бир сўз билан айтганда, ҳақиқий дехқоннинг «нонини туя» қилаётганларнинг пайини қирқиб учун айни кулай йўл танланганини билдиради.

— Ана энди Қўқонда ҳақиқий ўзбекона бозор қурилибди, нима дейсиз, ошна?

— Албатта-да! Ана эртага қоракалпоқ жўраларим меҳмонга келяпти, мазза қилиб айланишади. Шошманг, бу денг, икковимиз ҳам бозорга махлий бўлиб, невараларга ширинлик олишни унутибмиз-ку! Қани, яна қайтамиз энди...

Бу ҳар қандай кишини ўзининг ажиб қиёфаси билан хайратга солгулик Қўқон дехқон бозорини айланиб юрган икки отахоннинг ҳазил-хузул гап-сўзларидан бир шингил, холос. Яхшиси, минг бора эшитгандан кўра, йўлингиз тушса, Хўқанди Латиф — Қўқонга бир келинг!

Ноила ХОЛМАТОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири,
Фаргона вилояти.



Нодир ЁРМАТОВ
олган сурат.

Хар кимга ўз туғилган гўшаси, яшаётган гузари гузал ва чиройли қуринади. Бу ҳам бежиз эмас. Чунки ҳаммамиз аввало ота-онамиз бағри — қадрдон уйимизда дунёни таниймиш, яхши-ёмонни ажратамиз. Бир сўз билан айтганда, миттигина ватан бўлмиш маҳаллада бизлар ҳаёт сабоқларини ўрганимиз.

Оддий мисол: бизнинг «Қуйи Дархон» деб аталган маҳалламиз оз эмас, кўп эмас, сал кам эллик йиллик тарихга эга. Утган давр да-

БИЗНИНГ МАҲАЛЛА

билан дардлашади, қўлидан келгунича уларга ёрдам беришга ҳаракат қилади. Ҳар бир байрам ва яхши кунларда кўнгли ярим инсонлар ҳолидан хабар олишни қанда қилмайди. Маҳалламиздаги саховатпеша, қўли очик тadbirkorлар билан бамаслаҳат ҳолда уларга хайрия ёрдамлари уюштиради.

Бевосита ҳукуматимизнинг

“ҚУЙИ ДАРХОН” ДЕЙДИЛАР

вомида бу манзилда қанчадан-қанча қувончли воқеаларга гувоҳ бўлдик, фариштасифат отахону онахонларнинг панд-насиҳатларини эшитдик. Энг эътиборли жиҳати, маҳалламиз ўзининг аҳил ва иноқлиги ҳамда турли хайрли ташаббуслари билан пойтахтимиздаги Учтепа туманида ўзига хос нуфузга эга.

Бугунги кунда 369 та хонадондан иборат 777 та оилада жами 2268 нафар аҳоли истиқомат қилаётган «Қуйи Дархон» маҳалласи ҳақида сўз кетса, энг аввало оқсоқолимиз шаънига илиқ гаплар айтилади. Чунки Садир Шамсиевнинг холислиги, ишбилармонлиги, қолаверса, кексаю ёш билан тез тил топиша олишидан кўпчилик хурсанд. Очиғи, оқсоқолимиз бошқаларга ўхшаб, идорада қадалиб олиб, нуқул буйруқ-бозлиғи маълумотнома ёзиб бериш билан шуғулланадиганлар тоифасидан эмас. Аксинча, деярли ҳар кун феоаллар билан бирга уйма-уй юриб, кексаю хасталар ёки кам таъминланган оилалар

саъй-ҳаракатлари туфайли қуриб битказилган замонавий маҳалламиз гузари ҳар доим гавжум. Бу ерда турли мавзуларда, яъни ёшларни оилага тайёрлаш, ҳуқуқий ва тиббий маданиятни ошириш билан боғлиқ маърифий суҳбатлар мунтазам ўтказиб турилади. Маҳбулхон Тошмухамедова, Қаҳрамон Нурматов, Тошбиби Халилова, Қобилжон Содиқов, Акмалхон Ақромов сингари маҳалламиз феоаллари бундай савобли тadbirkorларни уюштиришда бошқоқ бўлишяпти.

Биз севишли газетамиз орқали Конституциямизнинг 17 йиллик байрами муносабати билан барча юртдошларимизни маҳалламиз аҳли номидан чин дилдан қутлаб, уларнинг хонадонларига тинчлик-тотувлик ҳамда бир-бирларига ҳамisha меҳр-оқибатли бўлишларини тилайман!


Чарос ХЎЖАХОНОВА,
Тошкент шаҳри Учтепа
туманидаги «Қуйи Дархон»
маҳалласи феоали.

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захира-лар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофа-засидадир.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, XII боб, 55-модда)

ТАБИАТНИ АСРАШ ИНСОННИ АСРАШДИР

✓ **ДОЛЗАРЪ МАВЗУ**



Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Холтўра СУВОНОВ билан мулоқот

— Инсон билан табиат ўртасидаги носамимий муносабат туфайли бутун борлиқ азият чекиши муқаррар экан, бу нохушлик қачон ва нима сабабдан вужудга келган, деб ўйлайсиз?

— Аслида, инсон ўз ҳаёт тарзини муқамаллаштириш мақсадида илм-фан ва техник тараққиётни юксалтириб, зиммасидаги жисмоний юкни камайтириш орқали роҳат-фароғатда турмуш кечиришга эди, ҳолос. Ҳаммаси шундан бошланган. Аввалига инсондаги ҳаракатлар ақлга асосланган онгли ҳаракатлар эди. Аниқроғи, табиатга нисбатан зугум аломатлари бўлмаган. Бунга жавобан сахий табиат ўз барини очиб, барча бойликларини одамзотга тортиқ этди. Ҳаёт ҳам дастлаб биз ўйлаганимиздек, силлиқ томонга кета бошлади. Ер ости ва устидagi жамики неъматлар ҳисобланмиш сув, тупроқ, шифобахш гиёҳларгача барчаси инсоннинг инон-ихтиёрига топширилди.

Афсуски, вақт ўтган сайин инсоннинг онгли муносабати ўрнини табиатга нисбатан шафқатсизлик эгаллай бошлади. Янада ачинарлиси, бу ҳол бор-

ган сари меъеридан ортаверди. Инсон уйламай-нетмай, атроф-муҳит мусаффолигини бузадиган саноат корхоналарини ҳаддан зиёд кўп қуришга, тириклик оламига ўнглаб бўлмас ҳалокат келтирадиган курол-яроғларни ишлаб чиқаришга шу даражада киришиб кетдики, ҳатто бу ноҳўя ҳаракат туфайли ўзи, фарзандлари, набиралари ва келгуси насларининг ҳаётига хавф солаётганини ҳам унутиб қўйди.

Ниҳоят, бугунга келибгина сув, ҳаво ва умуман атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш учун онгли муносабат жорий этилиши кераклигини кеч бўлса-да англаб етдик.

Умуман олганда одамзот нафақат сув, ҳаво ёки ўсимликлар олами, балки бутун борлиққа нисбатан муносабатини ўзгартириши шарт.

— Сиз раҳбарлик қилаётган Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида республикамизда тиббиёт ва атроф-муҳит мусаффолигини ҳимоя этишга доир қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Бир оддий ҳақиқатни тан олиш кераки, юртимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардаёқ мамлакатимизда табиат муҳофазасига доир қонуннинг қабул қилиниши бу атроф-муҳит ва тириклик олами соф, мусаффолигича сақлашга қўйилган катта қадам бўлди.

Мамлакатимизда она табиатимизнинг барча неъматларини кўз қорачиғидек сақлашга ва бу борада фойдали амалий ишларга қўл уришга тўла ҳуқуқий асос яратилган. Фақат унинг ижросини таъминлашга эришиш керак, ҳолос. Шу сабаб бизнинг ташкилотимиз ҳам аввало, атроф-муҳит мусаффолиги, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига нисбатан қилинаётган ноўрин хатти-ҳаракатларнинг содир этилишига йўл қўймай, аксинча шундай ҳолатлар юзга келса, қонунбузарларга нисбатан кескин чоралар кўрмоқда.

— Ҳозир куз охирида, қиш эшик қоқяпти. Кўча-куйлар турли чиқинди ва барглardan тозаланмоқда. Шу билан биргаликда жуда кўп такрорланадиган ва соф ҳавога тўтун чиқариб, саломатликка катта хавф солади-ган баргларни ёқиш ҳамон давом этаёпти.

— Тўғри, одамларнинг атроф-муҳитга бўлган бу хилдаги нотўғри муносабатини бартараф этиш учун нафақат соҳа мутахассислари, балки кенг жамоатчилик ҳам жиддий ҳаракат қилиши керак.

Ахир ҳар хил чиқинди ва ҳазонларни ёқаётганлар тўтун орқали инсонга йигирма хилдан ортиқ ўта хавфли касалликлар хуруж қилишини ва алал оқибат айрим ҳолларда бундай касалликлар инсон ҳаётига нуқта қўйиши мумкинлигини наҳотки билишмасамиз? Айниқса, ҳазон тўтунни ёш болаларда ўпка сили касаллигини келтириб чиқаришининг ўзи

қанчалар даҳшат. Шириндан шакар деб эркалайдиган, кўзимизнинг оқу қораси бўлган фарзандларимиз учун ҳамма нарсага тайёрмиз, лекин ўзимиз билиб-билмай уларнинг ҳаётига ўнглаб бўлмас хавф солаётганимизни тушунмаслигимиз кулгули.

Шу боис Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари табиат мусаффолигига зарар келтираётганларга нисбатан қонуний чоралар кўриш белгиланганлигини қонунбузарларга тушунтириб, огоҳлантириб бораёпти. Масалан, атмосфера ҳавосини бузиш, ўсимликлар оламига зарар етказиш ёки дов-даракларни руҳсатсиз кесганлиги туфайли фуқароларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга нисбатан 10 бараваригача миқдорда жарималар қўлланилади. Агар бу ҳол қайта-қайта такрорланса, чоралар кучайтирилади ва ҳатто ўша қонунбузар жиноий жавобгарликка ҳам тортилиши мумкин.

— Эшитдик, сиз раҳбар-

ловчи янги цех қуриб битказилди. Корхона йилига 150 минг тонна захарли моддаларни қайта ишлаб, чиқиндисиз ишлаш технологиясига ўтади.

Бинобарин, «Ўзметкомбинат» корхонаси трансчегаравий ҳудудда, яъни қўшни республикага яқин ерда жойлашганлиги учун амалга оширилаётган ушбу ишлар моҳиятан ҳукуматлараро муносабатлардаги экологик муаммоларни яхшилашга қўйилган катта қадамдир. Бундан ташқари МАХСАМ-Чирчиқ корхонасида соф ривожланиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳанинг баҳоси бир миллион АҚШ долларига тенгдир. Ҳозирча унинг 672 минг доллари ўзлаштирилиб, зарур жиҳозлар ўрнатилди. Табиат мусаффолигини сақлаш борасида қўйилган ушбу катта тўлиқ амалга оширилса, азотли ташламаларнинг ҳавога чиқарилиши 1250,9 тоннага камаяди.

Шунингдек, Янги Ангрен иссиқлик электр станциясида ҳам корхонанинг электр филтрларини модернизация қилиш учун 450 минг евро миқдорда маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Бу ҳаракатлар тўлиқ амалга оширилса, атроф-муҳитга чиқариладиган зарарли моддалар кескин камаяди. Ёки Тошкент вилоятида автотранспорт воситаларини бен-



лик қилаётган қўмита атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш билан боғлиқ бир неча лойиҳаларда ҳам қатнашаётган экан...

— Мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналаридан бири бўлмиш Беқободдаги металлургия комбинати фаолиятини бугунги кун талабларига мослаштириш билан бирга ҳавога ва умуман атроф-муҳитга ташланаётган чиқиндилар миқдорини камайтириш мақсадида Россия Федерациясининг «Фингоинжиниринг» компанияси билан шартнома тузилиб, чора-тадбирлар белгиланди. Агар у тўлиқ амалга оширилса, ҳавога чиқарилаётган зарарли моддалар миқдори кескин камаяди. Ифлосланган оқва сувлар миқдори ҳам 4 млн. куб метрга камайиши кўзда тутилган. Шунингдек, темир ишлаб чиқарадиган цехдан чиқадиган захарли чиқиндини қайта иш-

зидан экологик тоза газга ўтказиш тадбири ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Агар рақамлар мисолида шарҳлайдиган бўлсак, шу вақтгача олти мингга яқин автомобил воситалари экологик тоза дея эътироф этилаётган газга ўтказилди.

Бир сўз билан айтганда, Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси табиат ва инсон ўртасидаги онгли муносабатларни йўлга қўйиш борасида амалий ҳаракатларга қўл урмоқда. Чунки биз инсонлар табиат мусаффолиги ва унинг муҳофазасига қанчалик жонқуярлик билан ёндошсак, ўзимизнинг нафас олаётган ҳавомиз, истеъмолад қилаётган сувимиз, бизни тўйдирётган еримиз ҳамда саломатлигимизнинг муҳофазасини шунчалик мустаҳкамлаган бўламиз.

Ўзбекистон Республикаси
Рўзибой Қўлдошев
сўхбатлашди.

MISS G

«МИРЗАЕВА ГУЛНОРА» хусусий корхонаси

MISS G

Келин-куёвлар учун либослар

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 4-уй.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
453-33-17, 404-32-21

Ўзбекистон Болалар жамғармаси Ўзбекистон «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси»га қўшилиши муносабати билан ўз фаолиятини тўхтатади. Бундан кейин жамғарма юқорида номи зикр этилган ассоциация тасарруфиди ўз фаолиятини давом эттиради.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 267-67-84, 267-40-15

Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, IX боб, 37-модда)

ИШ КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

✓ **БАНДЛИК ДАСТУРИ АМАЛДА**

Мамлакатимиз миқёсида, шу жумладан, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда туманлардаги бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан ўтказилаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари орқали кўплаб хотин-қизлар жамиятда ўз ўрнини топиш имконига эга бўлаётгани, айниқса ишлашни истовчи, аммо қаерга мурожаат этишни билмай юрган ёшлар учун бундай имкониятлар яратилаётгани айтиш мумкин.

Масалан, биргина Сергели туман бандликка кўмаклашувчи марказига жорий йилнинг ўн ойи давомида 2706 та фуқаро иш сўраб мурожаат этган бўлса, улардан 1161 нафарини хотин-қизлар ташкил этган. 2387 нафар фуқаролар иш билан таъминланган бўлса, шулардан 1063 таси хотин-қизлар ҳисобланади. Шаҳар миқёсида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасига тумандаги 20 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар жалб этилди.

— Бизга мурожаат қилган хотин-қизлардан энг аввало фуқаролик паспорти, меҳнат дафтари, маълумоти ҳақида аттестат, фарзандлари бўлса, уларнинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси талаб қилинади. Борди-ю, улар ҳеч қаерда ўқимаган, бирор ташкилотда ишламаган бўлса ҳам истак ва имкониятига қараб, касб ўрганишлари учун ўқув курсларига юборилади, — дейди **Сергели туман бандликка кўмаклашувчи марказ директори муовини Шавкат Дадашов**.

— Бу вақт давомида уларга талабалик нафақаси тўланади. Уқитишни тугатганларни эса қайси ташкилотда бўш иш ўрни бўлса, талабномага қараб ишга йўллаймиз.



— Туманимиздаги мавжуд корхона ва ташкилотлар ҳар ойда бўш иш ўринлари ҳақида ёзма маълумот юборишади, — **суҳбатимизга кўшимча қилади ишсиз фуқароларни рўйхатга олиш, ишга жойлаштириш, касбга ўқитиш бўлими мутахассиси Фариза Абдусаматова**. — Масалан, октябрь ойида 776 та бўш иш ўринлари ҳақида маълумот олдандик. Шу асосда кўплаб аёлларни иш билан таъминладик. Айни пайтда Сергели туман ободонлаштириш бошқармаси, «Файз холдинг» компанияси, туман кўп тармоқли поликлиникаси ҳамда қатор банкларнинг туман бўлиmlарига ҳам ишчилар юбораямиз.

Оқридаги маълумотлар нечоғли ҳақиқатлигини аниқлаш мақсадида бу ерга келган айрим хотин-қизлар билан ҳам суҳбатлашдик.

— Ҳам бола тарбияси, ҳам жамият иши учун вақт топаётган аёлларга ҳавасим келарди. Қачон бўлсаям ишлайман, деган ниятни кўнглимга тўғиб қўйгандим. Фарзандларим улгайгач, бу истак янада кучай-

ди, — дейди **«Гулистон» маҳалласидан келган Клара Кузибоева**. — Аммо ҳеч қандай маълумотим йўқлиги учун қаерга, кимга мурожаат қилишни билмай юраддим. Шунда бандликка кўмаклашувчи марказнинг маҳалламида ишлаш учун бириктирилган мутахассиси Нафисахон Мирсаидовага учрашиб, тақлимни айтдим. У киши мени туман бандлик бўлимига олиб борди. Ҳеч қанча вақт ўтмай уйимиз яқинидаги мактабга кундузги навбатчиликка ишга кирдим.

— Бу йил ҳисобидан 4476 та янги иш ўринлари яратилган бўлса, шундан 796 таси касаначилик билан боғлиқдир, — дейди **янги иш жойлари ва касаначилик ишини ривожлантириш бўлими бош мутахассиси Муқаддас Қодирова**. — Йирик саноат корхоналаридан «Файз холдинг», «Баракат-алфа», «Уэвормед» ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликда касаначилик ўринлари яратилган.

— Бизга мурожаат қиладиган хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари ва имкониятларини икки тоифага бўлиб ўрганамиз, — дейди **ижтимоий кўлаб-қувватлаш шўъба корхонаси бош мутахассиси Соҳиба Гофурова**. — Улар ихтисослиги бор ва мутахассислиги йўқлардир. Мутахассислиги борларини корхона ва ташкилотларга юборганимизда, уларни иш билан таъминлай олмаслик тўғрисида асосли рад жавоби берилса, бу масала бандлик бўлими томонидан тузилган комиссия орқали қайта кўриб чиқилади. Вақтинчалик иш билан таъминланмаган хотин-қизларга ишсизлик мақоми берилади. Уларга Ўзбекистон Республикасининг Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонунига асосланиб, минимал иш ҳақининг 100% ҳисо-

бида олти ой муддатта ишсизлик нафақаси тайинланади. Ишсиз деб топилган аёлларнинг 16 ёшга тўлмаган бир нафар фарзанди учун бу иш ҳақида яна 10% қўшиб берилади. Шунингдек, мутахассислиги йўқ хотин-қизлар ҳам ишсиз деб эътироф этилса, уларга минимал иш ҳақининг 75% миқдорда ишсизлик нафақаси тайинланади. Бу аёлларга ҳам 16 ёшга тўлмаган бир нафар фарзанди учун минимал иш ҳақининг 10% миқдорда қўшимча ҳақ тўланади. Аммо улар ҳар ўн кунда бандлик бўлимига келиб, ўзи учун иш топилган ёки топилмаганини суриштириб туришлари шарт.

Узоқ муддатли танаффусдан сўнг фарзандларини тарбиялаб олгач, ишлаш истаги ё эҳтиёжи туфайли, бизга мурожаат қилаётган аёлларнинг мутахассислиги бўлса-ю, ишсиз деб эътироф этилса, уларга ҳам худди шу тартибда ишсизлик нафақаси белгиланади. Корхона ёки ташкилотлардаги иш штатининг қисқартирилиши туфайли нафақа ёшидаги аёллар ҳам иш сўраб мурожаат қилганда, уларни асосан талабнома орқали ишга юборамиз. Кўпинча нафақа ёшидаги аёлларни айрим корхоналар ишга олишни истамайди. Агар аёлнинг нафақага чиқишига бир ёки икки йил қолган бўлса, ва биз уларни иш билан таъминлай олмасак, бу аёлнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳоли махсус комиссия томонидан ўрганиб чиқилган, уларга ҳам имтиёзли нафақа тайинланади.

Хуллас, марказ ходимларининг ўз олдларига қўйган мақсад ва вазифалари бир талай. Улар касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳамда хотин-қизларнинг бандлик даражасини ошириш мақсадида янги-янги иш ўринларини яратиш устида тинмай ишланмоқда. Демак, шошилинг! Чунки тавсия этиладиган янги иш ўринларидан бирининг эгаси айнан сиз бўлишингиз ҳам мумкин.

Нигора РАҲМОНОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН

«E S F I R»

ГЎЗАЛЛИК САЛОНИ ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:



Манзил: Тошкент ш., Марказ-5, 59-уй, 29-офис
Тел/факс.: (+99871) 235-55-44,
моб: (+99897) 465-00-44



- * Тўй ва тадбирлар учун ажойиб соч турмақлари
- * Бетакрор макияж
- * Косметология
- * Профессионал соч олдириш
- * Стилист-визажист хизматлари
- * Соч ва киприкларни турли шаклларга келтириш (сочни майдалаб ўриш)
- * Тирноққа оид барча хизматлар (маникюр, педикюр)
- * Танага бадиий услубда нақшлар чизиш (турли кўринишда)
- * Мижозларга айтилмасдан ўзлари истагандай хизмат кўрсатиш.



ҚАЙНОНА-КЕЛИН ТИЛ ТОПИШОЛМАСА...

“Кимга қийин, ўзларига-да!”, — дейди Фаргона вилояти Ўзбекистон туманидаги Қўшқаноқ қишлоғидан Ҳафиза ОТАЖОНОВА

— Ёшгина келин бошқа хонадондан сизнинг уйингизга келади-да, — дея сўз бошлади суҳбатдошим. — Агар унга булар-бўлмасга танбех бераверсангиз, орада нуқулчиликлар келиб чиқади. Шу сабабдан унга аввало билмаганларини ўргатиш керак. Ёки айтиш, келин нон ёнганда, битта-иккитаси тушиб қолиши мумкин. Шундай пайтда “Нимага нонингиз кулга тушди?” демасдан, ўзингизни билмасликка оласиз. Ёки кирни чалароқ ювса, “Кир ювишни билмас экансиз”, демайсиз-да, “Кизим, кирларингизни яна бир бор ювиб юборинг, тагин бир марта совунланг, аням очилди. Қуёшга ёйсангиз, унча-мунча доғлари ҳам кўтарилиб кетади”, деб маслаҳат берасиз. Келин-чакнинг ҳар кунги овқатини оилангиздагиларга ёқадиган қилиб пишириши ўзингизга ҳам боғлиқ. Агар таомни куюроқ ёки суюроқ, тузини паст ёки баландроқ қилиб қўйса, “Пиширган овқатингиз жуда ширин бўпти. Барака топинг”, дейсиз. Аммо эртасига қозонга уннаётганида, “Шўрвангизга масалликлардан озгина кўпроқ қайнатинг”, десангиз, аввалги камчилигини тузати олади.

Яна бир гап: баъзида келин ёшлигига бориб, индамасдан бирор жойга кетиши ёки ниманидир сотиб олиши мумкин. Бундай ҳолатда айримлар дарров қизишиб, ё очикдан-очик, ё қочиримли қилиб танбех беришади. Мен эса бундай вазиятларда ҳам дастлаб ўзимни билмасликка олганман. Кейин келинга астагина: “Кизим, мабодо сиз қаергадир бормоқчи ёки нимадир сотиб олмақчи бўлсангиз, мен бунга қаршилик қилмайман. Лекин сиз олдиндан бу ҳақда менга бир оғиз айтиб қўйсангиз, “Майли, боринг, қийинг, куллук бўлсин”, дейман. Агар индамасдан кетсангиз, бирор зарур иш чиқиб қолса, мен сизни қаерда топаман? Қолаверса, ҳурматим учун менга айтиб қўйинг. Ҳаттоки, иш жойингиздан бирор жойга жўнатишса ҳам, беҳабар қолмай”, деганман.

Ҳа, Ҳафизахон опа билан Раҳматжон ака Отажоновлар беш фарзандни улғайтиришди, ўғил-қизлари оилали бўлиб, ўзларидан тиниб-тинчишган. Қизлари ўз махалласио қишлоғидан ташқарига чиқишмади, ўғилларга ҳам девор-дармиён қўшиллардан келин олишди. Лекин яқин жойдан қудда қилишнинг қалтис жиҳатларини кўп экан.

— Сал баландроқ овоз билан гапирсангиз ҳам қудалар эшитиб қолишлари мумкин, — дейди Ҳафизахон опа. — Агар бирор

ёмон гапингиз уларнинг қулоғига етиб қолса борми, кўчада юзма-юз келганингизда, беихтиёр сесканиб тушасиз. Шунинг учун оилавий масалаларда аргамчини анча узун ташлаган маъқул. Қудалар доим бир-бири билан ҳурматини сақлаган ҳолда гаплашиши керак. “Мен сизнинг қизингизни келин қилганман”, деган маънода мен қудамни, у киши эса “Кизимни сизга берганман”, деган маънода менинг иззатимни сақлашлари лозим. Токи бизнинг ўзаро муносабат, муомалаларимиздан маҳаллақўйдагилар ибрат олсинлар.

— Қудаларнинг бир-бирига яқин турмушининг яна бир нозик томони: келин ўз уйига тез-тез кириб кетавериши

айбни биринчи навбатда ўзимга қўйишмасин, деб кўнглини кенг қиламан.

Тўғри, гапларини ўринлатиб-ўринлатиб, ишонч билан сўзлайдиган бу аёлни илк бора кўрганлар: “Келинларини гаҳ деса қўлига қўнадиган қилиб олган бўлса керак”, деб ўйлайди. Ҳақиқатан ҳам шундай, лекин бу аёл қаттиққўллик, қайсарлик билан эмас, ўзининг ҳам, қудалари, фарзандлари, келин ва кўёвларининг ҳам ҳурматини сақлаб, ҳаётдаги энг муҳим мақсадлар йўлида болаларини ўз измига солган экан.

— Кечираверсанг, хато-камчиликлар гаяк олиб, болалаб кетади, дейишади. Бундай бўлмаслиги учун аста-секинлик

✓ ТУРМУШ САВОҚЛАРИ

у ерда тозалikka жуда катта эътибор берилади. Тарбиячи бўлиб ишлаб юриб ҳам кўп нарсани билиб олдим.

Аллоҳ раҳмат қилсин, қайнонам билан ўн тўрт йил бирга яшадик, у киши мен ишга кетганимдан кейин қолган ишларни чиройли қилиб бажариб қўярдилар. Охир-оқибатда боғчада ишлаб, кечқурун уйга қайтишда йўл-йўлакай молларга ўт қилиб келадиган, ярим чечаси бўлсам болаларнинг кирини ювиб, хамир қилиб, тонгда туриб нон ёпадиган бўлдим...

Ҳафизахон опа қўни-қўшинларни кимга бесабаб, бемаҳал кирравермайди. Боғчада йи-

гирма беш йил ишлаб нафақага чиққандан кейин ҳам тиниб-тинчимайди. Келини мактабда ишлаб келгач, овқатга уннайди-ган бўлса, у набиралари билан далага бориб, мол-ҳолга қарайди. Тўғри, ўғиллари (Аҳмаджон — фермер, Ғайратжон — тадбиркор) аввалига: “Энди бизни эл-ўрт орасида уялтирмай, меҳнатларингизнинг роҳатини кўриб ўтиринг. Ҳамма ишни келинларингиз, набираларингиз удалашади”, дейишди. Аммо гап ёшда эмас экан, онанинг юрағидаги ғайрат, тафтига қумғон қайнатса бўладиган меҳнатга муҳаббатиде. Унинг юзидеги тиник қизиллик, ёшига нисбатан анча ёш кўринишининг боиси яқинларига, ҳаётга имкон қадар манфаат келтириб яшаш учун қилаётган хайрли саъй-ҳаракатлари шарофатидан бўлса, ажабмас.

“Маҳалла-қўйдагилар келин билан муносабатлар борасида сиздан маслаҳат сўрашадими?” — деган саволимга жавоб ҳам гўёки бир ўк билан икки куённи нишонга олиш бўлди:

— Бир қўшним: “Ҳафизахон, қаерда пишиб қолгансиз? Келинлардан ҳеч шикоят қилмайсиз”, деганди. “Мен келинларим ундай-бундай деб юришга, биринчидан, вақтим йўқ, иккинчидан, қайнонам мени шундай қилиб тарбиялаганлар. Аслида, ўзимиз ҳам, келинлар ҳам беайб эмас. Аммо кимгадир шикоят қилганим билан, у келиб келинимнинг айбини тўғрилаб бераримиди? Ўғилларимни уйлантирсам, қизларни чиқарсам, яхши қудда, яхши қайнона бўлиб юраман, деган ниётим бор эди. Бошқаларга шикоят қилмаслигимнинг бош сабаби шуки, аввало ўз шаънини эҳтиёт қиламан”, — деб жавоб қайтардим.

Мухтарома УЛУФОВА,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият
ходими.



ҲОЯ сўзининг ўзаги “мақсадни белгилайди” бўлиб, “чек-чек-гара”, “поён”, “мақсад”, “интилиш”, “байроқ” маъноларини англатган.

Ҳозирда бу сўз турли дунёқарашлар асосини ташкил этувчи, одамларни мақсад сари етакловчи фикр, тушунча, тасаввур рамзи сифатида ифодаланади.

МАФКУРА — Бу сўзининг илдизи “фикр” сўзидир. Жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадиий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ва гоғлар мажмуи мафкура деб аталади.

ЯШНА — асли “яшин” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “чақна”, “ярқира”, “барқ уриб ўс” деган маъноларни англатади. Унинг “ривож топмоқ”, “камолга эришмоқ”, “гулламоқ” маънолари ҳам бор. Шавкат Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг этимология лугати” китобида бу сўз айнан шундай ифодаланган.

АЖДОД — сўзининг илдизи “буюк бўлди” феълидан пайдо бўлиб, шунингдек, “бобо” маъносини англатган. Илгари ўтган насл-насаб, ота-боболар “аждод” сўзида ифодаланади.

АВЛОД — “дунёга келтирди” маъносидеги “валад” феълидан келиб чиққан бўлиб, у тилимизда “бир отадан тарқалган насл, зурриёт, қариндош-уруғ” маъносини англатади. Шунингдек, замоннинг маълум қисмига оид одамларга ҳам “авлод” дейилади.

НУРОНИЙ — сўзининг туб маъноси “нур таратувчи” дегандир. Шунингдек, “нуроний” сўзи ёрқин, порлок, нури, файзли, истараси иссиқ, юзидан нур ёғилиб турадиган, файзли кесалар маъноларини ҳам англатади.

ЕТУК — қадимги тилимизда “маълум бир манзилга бориб етиш” маъносини англатувчи “ет” феълидан келиб чиққан бўлиб, жисмоний жиҳатдан тўла ривожланган, камолотга эришган, талаб ва меъёр жиҳатдан мукамал даражага эга, юқори савияли кишиларга нисбатан ишлатилади.

ЯЙЛОВ — чорва ўтлайдиган кенг майдон маъносини билдирадиган сўз бўлиб, “Ўзбек тилининг этимология лугати” да шарҳланишича, қадимги тилимизда “ёз” маъносини англатувчи “йай” сўзидан келиб чиққан. Демак, айни шу мавсумда чорваларлар чорваларини яйловга олиб чиққанлари учун “ёз” маъносидеги “йай” сўзи “йайлов” сўзининг пайдо бўлишига асос бўлган.

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.



мумкин...

— Хай, келин олганим йўқ дейсиз-у, ҳалатдан унинг айбини топишга уринасиз-а, — деб гапимни бўлди опа. — Катта ўғлим Аҳмаджонга девор дармиён қўшнимизнинг қизи Ҳадяхонни, Ғайратжонга ҳам қишлоғимиздан Зарофатхонни келин қилганмиз. Агар келимин уйларига кириб кетган бўлса, “Ҳадяхон-у-ув!” десам, дарров югуриб чиқади. Қудалар билан бирор марта овозимизни кўтариб ҳам гаплашмаганмиз, “сен-мен”га бормаганмиз.

— Лекин “Ким рўзгоримда умуман аччиқ-тизгик гап бўлмаган, деса, ёлғонни айтибди”, дейишади-ку!

— Шунақаси бўлсам, кечираман. Аслида мен намунали қизларни келин қилганман. Агар бизнинг дарвозамиздан қандайдир ноҳўя гап чиқса, қўни-қўшиллар: “Ҳафиза опанинг ўзи шарт-шарт гапирарди. Келинларга ҳам шунақа муомала қилаётган бўлса керак-да”, деб

билан ёшларни ўз талабларимга қўндириб, ўргатиб бораман. Айтишларича, Ҳафиза опа бу хондонга “Ёр-ёр” билан кириб келганда, орқаси тўла соч экан. Ёлғиз онага суюкли келин, ёлғизгина ўғилга севиқли бека бўлди.

— Ушанда на нон ёпишни, на овқат қилишни ва на кир ювишни биламан. Ота уйимда тўртта опам бўлганлиги учун, мен ишларини унча ўрганмаганман. Ўйнаб, далада ишлаб юраверганман. Бу ерга янги келган кунларимдан бирида раҳматли қайнонам: “Кизим, мана бу кирни ювиб қўйинг”, дедилар. Азбаройи бу юмушни билмаганимдан, совунни суртганман, суртганман... Қайнонам ишни удалай олмай танлигимни кўриб турдилар-да, ёнимга ўтириб, бир-икки марта кирни қандай ювиш кераклигини кўрсатиб бердилар. Қараб туриб ўрганиб олдим. Ҳатто, уй супуришлариням унча қўйилатмасдим.

Кейин боғчага ишга кирдим,

Гулчехра доим бирор ташвиш билан юради. Хали карасангиз университетда, хали аудитория минбарига нутқ сўзлаётган, хали ётоқхонада «Камолот»чилар томонидан ўтказилган бирор тадбирга бош-қош бўлган, хуллас тинмайди, югуриб-елган...

Гулчехра Хожиева ЎзМУнинг хорижий филология факультети талабаси. Яна машхур фильмда айтилганидек, аълочи, спортчи, жамоатчи. Очиғи, у бир мақсадга эришдим-ку, деб тўхтаб қоладиганлардан эмас.

Бошида чамандагул дўпписи ярақлаб турган Гулчехра ўзи ҳақида шундай дейди:

— Асли бухороликман. Ҳозир 4-курсда давлат гранти асосида ўқиялман. Энг муҳими, ота-онамга оғирлигим тушмаётганлигидан хурсандман. Шеърлар ёзаман, таржималар қиламан, ҳам рус, ҳам француз тилидан талабаларга, ёзда эса қишлоққа борганимда ўқувчиларга сабоқ бераман, қолаверса Мопассан, Жан Жак Руссо асарлари ва француз халқ эртакларини шу тилнинг ўзида ўқиб чиқиш бахтига мушарраф бўлдим.

— **Тенгдошларингиз сизни «катта оптимист», деб аташар экан. Сабаби нима?**

— Биласизми, ҳаётдан нолиш инсонга хос эмас. У ҳар қандай ҳолатдан ҳам гўзаллик топа олиши керак. Биз талабаларга эса юртимизда шу қадар яхши шaroитлар яратилганки, кези келса ётоқхоналаримиз уйимиздан-да аъло десам муболага бўлмайди. Аммо шунга қарамай, бу шарт-шaroитларнинг қадрига етмай-диганлар ҳам топилиб қолади. Нимага? Ҳар қандай кўнгилсиз ҳолатни келтириб чиқарадиган нарса бу — биринчи ўринда бекорчиликдир. Шунинг учун ҳам ўзимнинг ҳам, атрофимдагиларнинг ҳам бекорчи бўлишига қаршиман. Нима биландир банд йигит ёки киз ўз меҳнатини қад-

ДЎППИ КИЙГАН ЮЗ ҚИЗНИНГ БИРИ

рлашга ўрганади. Умуман, ёмонлик қилиш учун бир кунда юзта имконият бор. Аммо оддий яхшилик қилиш учун баъзида жуда катта матонат керак. Шундай экан, нега энди биз ўша охири вой бўлган юз имкониятдан қутулиш, тийилиш йўлларини кидирмаслигимиз, уни биттагина яхши амалимиз билан чиппака қичқармаслигимиз керак экан? Биргина мисол, яхши биласиз, талабаларнинг овқат қилишга ҳам, овқатланишга ҳам хуши бўлмайди. Бир амаллаб, йўл-йўлакай «хот-догоми, сомсами еб, кунини ўтказиб юривчилар қанча. Лекин бу «олтин давр» ҳам ўтиб кетади. Эртага ҳар биримиз ота ёки она бўлаемиз. Нахот энди ўқиган одам рўзгор ишларидан бутунлай йироқ бўлиб қолавериши керак? Шу мақсадда ётоқхонамизда «Миллий таомлар» танловини ташкил этдик. Ишонасизми, икки соатга қолмай йигит-қизлар 20 турдан ортиқ турли таомлар тайёрлашганини кўриб, ҳайратга тушдик. Умуман, биз нафақат ўзимиз, балки бошқа ётоқхона ва факультетлар талабаларини ҳам ортимиздан эргаштириб, бири-бирдан қизиқ кечалар, учрашувлар, спорт мусобақаларини узлуксиз уюштириб тураемиз. Бу бизнинг бетақдор давримизга жило берса берадими, ҳеч қандай зарар етказмайди.

— **Нима, бугун ҳам бирор тадбир**



борми, дўппи кийиб олибсиз?

— Йўғ-е, ўзи мен доим дўппида юраман. Сабаби, бир пайтлар ўқишга кирсам, албатта бошимга дўппи кияман деб, ўзимга сўз берганман. Шукрки, ниятимга етдим. Ҳатто тенгдошларим ҳам турли вилоятлардан менга ҳар хил дўппилар олиб келиб, совға қилишган. Умуман олганда эса, бу менинг омад туморимдек бўлиб қолган. Кейин бизнинг талабалар шаҳарчамизда дўппи кийган қиз фақат мен эмасман. Бу йил «Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг ҳокими Рўзимурот Чориевнинг шахсан ўзи талаба қизлар учун юзта дўппи ҳада этди. Бу эса

Талабалар шаҳарчасининг рамзига айланди. Биз — дўппи кийган юз қиздан илҳомланиб, машхур «Сурхон» гуруҳи ўзининг навбатдаги миллий йўналишдаги кўшиғига айнан бизнинг талаба қизларимиз иштирокида клип ҳам суратга олди.

— **Билишимча, кўпчиликнинг сизга ҳаваси келаркан. Сиз ўзингиз қайси тенгдошингиздан ибрат олишга ҳаракат қиласиз?**

— Университетнинг фалсафа факультети сиёсатшунослик бўлими магистратурасининг иккинчи босқичини тугатган Эркин Калонов деган тенгдошимиз бор. Қисмат шу йигитни жуда оғир синовлардан ўтказган. Унинг ота-онаси автохалокат натижасида вафот этгани учун бувиси ва буваси қўлида улғайган. Ўзи ногиронлар аравачасига миҳланган. Унинг энг яқин меҳрибони буви-бобоси ҳам оламдан ўтиб кетишди. Аммо шу йигит қўл-оёғи ишламаса ҳам бармоқларининг айрим нуқталарини ҳаракатлантириб, ўқийди, ёзади, изланади, компьютерда дастурлар тузади. Ҳамма тенгдошларидан билимини, аълочи. Ҳеч қачон ўзининг ногиронлигини пурт қилмайди, аксинча, бизга ўхшаб тўрт мучаси соғломларнинг кўнглини кўтаради, тўғри маслаҳатлар беради. Ишонасизми, Эркинжонни кузатсангиз, яшашга иштиёқингиз кучади, унга ўхшаб изланувчан, яратувчан бўлишга қизиқа бошлайсиз. Шундай экан, биз ёшлар ҳар соҳада ўз Ватанимизга муносиб фарзанд бўлмоқчи энг буюк мақсад деб билишимиз керак.

Дилфуза ҚЎЗИЕВА, «Оила ва жамият» муҳбири.

Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига беминнат хизмат кўрсатиб, уларнинг узогини яқин, оғирини енгил қилиб келаётган Тошкент шаҳридаги 2519 - автожамланма давлат корхонаси маъмурияти «Д» тоифали ҳайдовчилар ҳамда чиптачиларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!



Ойлик маошлар куйидагича:

Ҳайдовчилар учун **550 000** дан юқори.
Чиптачилар учун эса **220 000** дан юқори.

Шунингдек, автожамланма қошида ташкил этилган махсус ўқув курсида «Д» тоифали ҳайдовчилар ҳам тайёрланади.

Ўқиш муддати 6 ой.

Ҳайдовчилик курсларида ўқини хоҳловчилар куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

1. Паспорт кўрсатилади ва 2 та нусхаси тақдим этилади.
2. Ҳарбий билет (нусхаси тақдим этилади).
3. 3x4 сурат (10 дона)
4. Тиббий маълумотнома (3-сон шаҳар клиник шифохонаси)
5. «В», «С» тоифали ҳайдовчилик гувоҳномалари (нусхаси) албатта тақдим этилади.

Куйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Авайхон кўчаси, (собик Иркутский) 20-уй.
МЎЛЖАЛ: Қорасув 6. **ТЕЛЕФОН:** 266-38-31

«ТО‘РАВЕК ЗИYO» ўқув маркази

Ҳурматли ва азиз ота-оналар! Фарзандларингиз келажақда танлаган соҳалари бўйича етук кадр бўлишини истасангиз, биз билан ёшлиқдан билим чўққиларини мустаҳкам эгаллашига замин яратасиз, деган умиддамиз!!!

“Эй ўқувчи — бу ҳаётда обрўли, кучли, енгилмас, иродали, бой бўлишингиз ягона калити — билимдир. Уни эгалласангиз, юқоридагиларга албатта эришасан. Шунинг учун юракдан ўқи, бўлмас сарсон бўласан!!!”

МАРКАЗ ШИОРИ

I. Лицей ва касб-хунар коллежларига тайёрлаш бўлими.

5-6-7-8-9-синф ўқувчиларини (**Вестминстер дипломатия, ҳуқуқшунослик...**) лицей ва коллежларга тайёрлаш;
II. Ўзбекистон олий даргоҳларига тайёрлаш бўлими. (Олий милиция мактаби, бохона институти, ҳуқуқшунослик институти, ТДИУ...)

1. Иқтисод йўналиши: Ҳуқуқшунослик йўналиши: Тиббиёт йўналиши: Техника йўналиши: математика, физика, она тили ва адабиёт, тарих, инглиз тили, кимё, биология.

III. Чет эл олий даргоҳларига тайёрлаш бўлими. (АҚШ, Англия, Австралия, Япония, МДХ, ...)

1. Иқтисод йўналиши: Ҳуқуқшунослик йўналиши: Тиббиёт йўналиши: Техника йўналиши: (математика, физика, инглиз тили, кимё, биология).

2. **TOEFL** дастури (АҚШ программаси асосида, тили билувчилар учун)

3. **A1PT** дастури (Англия программаси асосида, тили билувчилар учун)

IV. Хорижий тилларни ўрганиш бўлими (гуруҳда 12 киши)

1. Инглиз тили, рус тили, араб тили — сўзлашув гуруҳи (**50 000 сўм**)

2. Турк тили, хитой тили ва корейс тили (**100 000сўм**)

Дарсларни конкурсларда голибликни қўлга киритган тажрибали мутахассислар олиб боради. Тингловчилар тест орқали танлаб олинади. Қабул ҳар қуни соат **09:00** дан **17:00** гача. Ўқув маркази раҳбарияти дарсларнинг сифатини кафолатлайди. Тингловчилар ўқитувчини танлаш имкониятига эга. Вилоятдан келганлар ётоқхона билан таъна минланади. Машгулотлар гуруҳлар тўлишига қараб бошланади.

МАНЗИЛ: «Хадра» меҳмонхонаси, 6-қават.
МЎЛЖАЛ: Тошкент давлат цирки биноси ёнида.
Тел.: 244-26-09, 244-26-34.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

«ZENN-SHANS»

ИЛМИЙ ЎҚУВ МАРКАЗИ

Абитуриентларни олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун куйидаги фанлар бўйича тайёрлайди: кимё, биология, она тили ва адабиёти, математика, физика, инглиз тили, тарих, рус тили. Машгулотларни фан докторлари, фан номзодлари ва дарсликлар муаллифлари олиб борадилар.

Марказ дарсларининг юқори даражаси сифатига кафолат беради.

Назарий ва амалий машгулотлар махсус чуқурлаштирилган дастурлар асосида ҳамда «Ахборотнома»лар, имтиҳон вариантлари бўйича ўтказилади. Ҳар бир фан ҳафтага 3 марта 2 соатдан дарс жаъвалига киритилади. Марказдан барча зарур дарслик ва ахборотномаларини сотиб олиш мумкин.

Машгулотлар сентябр ойидан бошлаб 1 августгача 11 ой давом этади. Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Бизнинг абитуриентларимиз: 2006 йилда - 85%, 2007 йилда - 92%, 2008 йилда - 99% ўқишга қабул қилиндилар.

Натижалар билан марказда танишиш мумкин. Шунингдек, ушбу илмий ўқув марказида рус ва инглиз тилини ўрганиш курслари ҳам бор.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 2-мавзе, 14-а уй (9 қаватли бинонинг 1-қавати).

Мўлжал: Юнусобод, «Универсам» бекати, «Юнусобод» бозори қаршисида.
ТЕЛЕФОНЛАР: 8(371) 212-17-67, 212-34-80. **ФИЛИАЛ:** Жиззах вилояти, Фаллаорол тумани, «Мустақиллик» кўчаси, 39-уй.

Бахт-иқболимиз пойдевори, ҳақ-ҳуқуқларимиз асоси — Бош Қонунимиз Конституциямиз қабул қилинганига 17 йил тўлиши муносабати билан Тошкент шаҳридаги

«МАЪРИФАТ БАРАКА»

адвокатлик фирмаси жамоаси



барга юрtdошларимизни, ҳамшаҳарларимизни кизини муборакбод этади. Мамлакатимизда фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатлари Конституциямиз орқали қонуний кафолаплаган. Бу борада фирмамиз ҳуқуқшунослари халқимизга беминнат хизмат кўрсатиш орқали Бош Қонунимизда белгилаб берилган мезгёрларни ҳаётга кенг шадбик этишда фуқароларимизга камарбастади.

Байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!

“КАТТА ТАНАФФУС” ўқув маркази

куйудаги курсларга тақлиф қилади

- Уйғур ва европа таомлари, пишириклар, салатлар, таомларни безатиш
- Юмшоқ уйинчоқлар ясаш
- Тикувчилик
- Оригами (қоғоздан ҳар хил шакллар ясаш)
- Болалар учун (7 ёшдан 16 ёшгача)
- Олий ўқув юрtdларига тайёрлов курслари
- Сўзлашув курслари (English club)
- Рус тили (грамматика + сўзлашув)
- Хитой тили (грамматика + сўзлашув)
- Компьютер курслари

- Бисер тикиш ва каштачилик
- Шахмат ва шашка курслари
- Рассомчилик
- Уй ҳамшираси
- Тўқувчилик
- Инглиз тили (грамматика + сўзлашув, абитуриентлар учун, TOEFL)

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни рус ва ўзбек мактаблари-

га ТАЙЁРЛАШ

- МАТЕМАТИКА
- ЁЗИШ
- ўқиш
- ИНГЛИЗ ТИЛИ
- МАНТИҚ (ЛОГИКА)
- ЭРКИН МАШҒУЛОТ

МАНЗИЛ: Чилонзор-5, 28-уй, 1-хонадон. Метроинг: “Хамза” бекати.
МУЎЛЖАЛ: “Спорт моллари” магазини. ТЕЛ.: 754-30-14, 273-19-09

Азиз набирамиз ЖўРАБЕК

Сени 11 декабрь – таваллуд кунинг муносабати билан боболаринг Эгамберди ота ва Хаитбой, бувиларинг Курбонжон ва Гулбаҳорлар табриклайдилар. Сенга бахтли болалик, тинч ва осуда умр, порлоқ келажақ тилаб

ота-онанг Жуманазар ва Лобархон.
Хоразм вилояти,
Хонқа тумани



Ҳурматли ҳамкасбимиз Бахтиёр МУХИДДИНОВ!

Сизни 9 декабрь — таваллуд кунингиз билан чин дилдан муборакбод этамиз. Аллоҳдан сизга узоқ умр, сихат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз.

Самимий эҳтиром билан

“Осиётранс” автожамланмаси бош директори С. Мирзаев, автоколонна бошлиғи А. Йўлдошев.



Табиб ОТАБЕК МИРЮНУСОВ

беморларни кафтидаги биоқувват ҳамда сувни қувватлантириш орқали самарали даволайди

МУОЛАЖАЛАРДА:

- Жигар хасталиклари: гепатит «С», гепатит «Б», циррознинг бошланиши яхши даволанади;
- Ошқозон-ичак, ўт пуфағи, қора талоқ касалликлари;
- Бўйрак, жинсий аъзолар шамоллаши: бўйрак ва тухумдон кисталари, простата беши шамоллаши яхши тузалади;
- Гижжа, лямблялар ариб, теридаги оқ доғлар кетади;
- Умуртқа чурраси, бел ва оёқ оғриғи, бод, артрит, полиартрит, бўйин ва елкада, тиззада туз йиғилиши сингари хасталиклар;
- Юрак, қон-томир хасталиклари, қон босими, инсултдан кейинги тикланиш даври ва асаб касалликлари яхши даволанади;
- Бўй ўстириш;
- Бўқоқ касаллигининг ҳар қандай тури самарали даволанади;

Отабек Мирюнусовнинг «Халқ табобати маркази» Ўзбекистон халқ табобати академияси томонидан берилган №40-гувоҳнома асосида фаолият олиб боради.

Табиблар реестрида 1992 рақам билан қайд этилган.

Беморлар ҳар куни соат 9.00 дан 12.00 гача қабул қилинади.

Қабул кунлари душанбадан шанбагача.

Мурожаат учун телефонлар: (+99897) 750-92-57 (+99894) 607-67-36

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ЖАМОАСИ
РОСНАМТ



Барга юрпдошларимиз ва шуғри
соҳа вакилларини 8-декабрь —
Ўзбекистон Республикаси Консти-
туцияси қабул қилинган кун би-
лан ўин дилдан муборақбод этади!



Малика етти ёшга тўлганида ота-онаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Озод Акбаров хузурига олиб келишди. Унинг иқтидорини синаб кўрган тажрибали педагог кизалоқнинг муסיқий иқтидори-

УМИД ЮЛДУЗИ

ни илғади, унда табиий савқ ниҳоятда баланд эканлигини ҳис этди. Малика Анорбоева ўз ижрочилик маҳоратини илк бор мамлакатимиз бўйича ўтказилиб келаётган "Санъат гунчалари" республика кўрик-танловидан намоён этиб, 2003 йилда иккинчи даражали, 2004 йилдагисида эса биринчи даражали диплом билан тақдирланди.

Юздан ошиқ иқтидорли ёшлар орасида галаба қозониш, унга янги-янги имкониятлар эшигини очди. Кўрик танловдан кейин у Москвада фаолият олиб бораётган "Новые имена" минтақалараро жамоатчилик хайрия фонди қошидаги ижодий мактабда таҳсил олиш учун юборилди. Бу ерда у Москва Давлат консерваториясининг му-

НИҲОЛ

раббий-устозларидан "маҳорат мактаби" дарсларини ўтади. Натижада ижро маҳорати янада тақомиллашган Малика 2005 йил Россиянинг Суздаль шаҳрида ЮНЕСКО томонидан ташкил этилган 13-халқаро фестивалга тақлиф қилинди. Унинг ижролари фестивалда кенг эътироф этилиб, махсус диплом билан тақдирланди.

Шубҳасиз, кетма-кет эришилаётган мувафаққият, тинимсиз машқ, изланиш, янги-янги дастурлар устида ишлаш ҳар бир ижодкор парвозига қанот бағишлайди. 2007 йилда истеъдодли ёш созанда устози Озод Акбаров билан бир-

галикда янада нуфузли беллашувларда ўзини синаб кўриш мақсадида Парижга бориб, Глазунов номидаги 5-халқаро кўрик-танловда иштирок этди. 13 ёшли созанда жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган ҳакамлар ҳайъати аъзоларига ўта мураккаб бўлган — машҳур бастакор Габриэль Форенинг "Жалоба", Гонделнинг "Лоргетто", Вивалдининг виоланчель ва оркестр учун ёзган концертини, Сулаймон Юдаковнинг "Алла"си каби қатор асарларни катта маҳорат билан ижро этиб берди. У чалган куйлар ўзи кичик, аммо катта қалб эгасининг ижролари сифатида эътироф этилиб, унинг ижоди биринчи ўринга муносиб деб баҳоланди. Бу ўзбекистонлик ёш созанда маҳоратининг оламшумул аҳамиятга эга бўла бошлаганининг белгиси эди.


"Бизнинг оиламизда турли

касб эгалари бўлса-да, менгача санъаткор чиқмаган, мен ана шу бўшлиқни тўлдириш, оиламиз шаъни ва мамлакатимиз шухратини бутун дунёга таратиш учун созанда бўлишга аҳд қилганман ва бутун ҳаётимни шунга бағишлайман", — дейди ҳозирда Глиер номидаги махсус академик лицейнинг биринчи курсида таҳсил олаётган иқтидорли созанда Малика Анорматова.

"Фарзандимиз санъат йўлини танлаб ўз мақсади сари олға интилаётган экан бизлар унга чин дилдан ҳайрихоҳлик билдирамиз", — дейди унинг ота-онаси Жондорбек ва Мухаббатхонлар. Фарзандлар камолоти, уларнинг таълим-тарбияси йўлида қилинаётган ҳар қандай хатти-ҳаракат, эзгу амаллар албатта ўз мевасини беражак.

Бахтиёр МУХАММАДИЕВ,
журналист.

Тарихий синалган, умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган, миллий тафаккуримиз, манфаатларимиз ифодачиси бўлган, адолат, ҳақиқат, базрикенглик мезонларини ўзига жо этган муҳим ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 17 йиллиги билан Қашқадарё вилояти, Шахрисабз туманидаги



«ДОН — ХАЛҚ РИЗҚИ»

ОЧИҚ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ЖАМОАСИ



мамлакатимиз аҳолисини табриклайди! Барча бунёдкорлик ишларимизда бош Қонунимиз ҳамиша пойдевор бўлсин!

Ўзбекистонда табиий захиралар, ер ости ва ер усти бойликлари давлат томонидан муҳофаза қилинади. Улардан оқилона фойдаланиш учун ҳар бир фуқаро масъулдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида нафақат фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, балки уларга хизмат қилувчи иқтисодий негизга бўлган муносабат ҳам қонуний ҳимоя қилинади.

«ШЎРТАННЕФТЬГАЗ»

УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ КАСАБА УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

халқимиз манфаатлари ҳимоячиси бўлган Конституциямизнинг 17 йиллиги билан самимий муборакбод этади!



ШОВҚИНДАН «ТҮЙГАН» МЕҲМОНЛАР «Мен билан суратга тушинг»...ни ўқиб

Бугун Хоразмда бир-биридан ҳашаматли тўйхоналар қурилиб, тантаналар, тўйлар вақтичоғлик билан ўтмоқда.

— Халқимиз тежамкор. Ҳисоб-китоб билан иш қилади. — дейди меҳнат фахрийси Машариф Худойберганов. — Ортиқча даб-дабаларни ёқтирмаймиз. Камтарга—камол, деганларидек, тўйларни тартибли ўтказишга масъул маҳалла фаоллари бор. Тўй муҳитини шулар белгилайди.

Кейинги пайтларда тўй соҳибларининг раъйига қараб, баъзи ҳолларда тўйбошилارнинг

лоқайдлиги сабабли овоз кучайтиргичларнинг меъёридан ортиқча шовқини ҳаммининг гашига тега бошлади. Агар сиз «Яна бир тўй ёки юбилейга таклиф қилинганмиз», деб тўйдан чиқиб кетаётган меҳмонни кўрсангиз, ишонинг, у аслида шовқиндан безор бўлиб, ўз соғлигини ўйлаб, бу талотўпдан жуфтак ростлаётган кишидир. Лекин нимагадир биронтамиз овоз операторларига динамикларнинг товушини пасайтириш ҳақида ломим демаймиз.

— Корхона ёки ташкилотлар,

муассасалардаги шовқин даражасининг 50-80 дицибелдан юқори бўлишига йўл қўйган шахслар жаримага тортилади, ишлаб чиқариш жараёни эса тўхтатилади. — дейди вилоят санитария эпидемиология марказининг муҳандиси Ильмира Бобонова. — Аммо ўйлаб қарасак, биронта тўйдаги шовқин даражаси ўлчанмаган экан.

Олдинлари тўйларда бир овоз кучайтиргич қўйилган бўлса, ҳозир уч-тўрт, ҳатто бештагача ўрнатилаяпти. Ваҳоланки, ҳаммамиз турли-туман маҳсулот

ва хизматларнинг истеъмолчиларимиз. Табиийки, ҳеч

бир харидор сифатсиз ёки истеъмолга яроқсиз, айниқса ўзига зарарли, маҳсулотни харид қилмайди. Ҳатто...


— Агар хизмат қоникарсиз бўлса, эътирозимизни билдирамиз, — дейди вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ҳудудий бирлашмасининг раиси Муяссар Жалолова. — Тўйларда-чи? Ҳаваскорлар-у овоз операторларининг ўзбошимчилигига негадир ҳеч ким чек қўяй демайди. Ахир, хонанданинг кўшиги, рақосанинг рақси, овоз операторининг фаолияти ҳам ўзига яраша хизмат ҳисобланади-ку!

Тўйларда санъаткорлар хизмати истеъмолчига қандай ҳолда етиб бормоқда? Бу тўйбошиларнинг талабларига ҳам боғлиқ эмасми? Овоз операторлари-

нинг фаолияти назорат қилинмаслиги сабабли тўйлар хонандаларнинг норасмий концертига айланиб қолмаяптими?

Тиббиёт ходимларининг таъкидлашича, меъёридан ортиқча шовқин натижасида инсоннинг қон босими кўтарилиб, кулоқ пардалари яллиғланиши, юрак, асаб ва бошқа касалликлар пайдо бўлиб, авж олар экан. Қолаверса, тўй имо-ишоралар билан гаплашадиган эмас, балки дўстлар-у қариндошларнинг ширин суҳбатларини соғиниб, дийдорига тўймоқ учун бориладиган жой. Тўйларимизда хизмат қилаётган айрим беандиша кишиларнинг сурбетлигига чек қўядиган пайт етиб келмадимикан? Ахир, бу сиз-у биз, яъни ўзимизнинг қўлимизда-ку!

Исмоил ШОМУРДОВ,
«Оила ва жамият» муҳбири,
Хоразм вилояти.



Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли.

*(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси,
IX боб, 36-модда)*

Мамлакатимизда истиқлол йилларига келиб тадбиркорлик ва ишбилармонликка алоҳида эътибор қаратилди. Халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш йўлида меҳнат қилаётган тадбиркорлар манфаатлари қонунлар асосида ҳимоя этилган.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ

“ҲАБИЯЛИЕВА РОКИЯ NISOTEKSTIL”

ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни яқинлашиб келаётган айём — Конституциямиз қабул қилинганига ўн етти йил тўлиши муносабати билан самимий қутлайди!

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон ва унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилган.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ

“ШАРҚ ГУЛИ”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



Бош Қомусимизда кафолатлаб қўйилган ана шундай чексиз имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда овоз ва обод юртимиз равнақи ҳамда буюк келажаги йўлида меҳнат қилишдан ҳеч қачон толмайди.

Конституциямизнинг ўн етти йиллик байрами муборак бўлсин!



Халқимиз дастурхонини тўкин ҳамда обод қилиш йўлида меҳнат қилаётган

“Қўйлик Дехқон Бозори”

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

Ватандошларимизни қутлуғ байрам 8 декабрь —

Конституциямиз куни муносабати билан чин дилдан самимий табриклайди!

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, V боб, 18-моддаси)

8 декабрь

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ, ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚҮМИТАСИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган
8-декабрь — Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинган кун билан самимий
қутлайди!

Зеро, Бош Қомусимизнинг ҳар бир банд, ҳар
бир моддаси мамлакатимиз халқи, кексаю ёшнинг,
хотин-қизларимизнинг бахт-саодати, тинчлик ва
осойишталиги, эрки ҳамда эртанги кун
тараққиётининг энг ишончли кафолатидир.



АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ, ВИЛОЯТ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади.

(Ўзбекистон
Республикаси
Конституцияси,
XIV боб,
63-модда)

*Азиз ва муҳтарам
ватандошлар!*

*Сизларни Бош Қомусимиз
қабул қилинган кун билан
қизгин табриклайди!*

*Конституцияда акс
этган ҳуқуқлар, имтиёз ва
имкониятлар ҳар бир
фуқаронинг бахтли
тақдирини кафолатлайди.*



*Айёмингиз қутлуғ бўлсин,
қадрли юртдошлар!*

Мамлакатимизнинг Бош қонуни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳар бир шахсга мулкдор бўлиш ҳуқуқини кафолатлайди. Дарҳақиқат, республикаimiz фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш мақсадида ер деҳқонга қайтарилди. Фермер хўжалиklarининг ташкил этилиши орқали қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг асосига айланди.

Сирдарё вилояти, Сирдарё туманидаги «МУСТАФО» деҳқон хўжалиги жамоаси

яқинлашиб келаётган улў байрам — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллиги билан мамлакатимиз фуқароларини, шу жумладан деҳқон фермерларини чин дилдан табриклайди.



Халқимиз тинчлиги ва миллий тотувлигимиз абадий бўлсин!

Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, X боб, 46-модда)



Бош Қомусимиз қабул қилинган кун мамлакатимизда яшайтган ҳар бир фуқаро ушун қутлуғ байрамдир. Зеро, бу буюк китоб Инсон саломатлиги, унинг руҳан бақувват ва ўтқиғ қобилияти соҳибни бўлиши, севган касбидан қаноат шуйиб меҳнат қилиши ҳамда БАХШининг лаззатини тапиши ушун энг зарур йўланмадир.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ВА ХОТИН- ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ

барча юртдошларимизни улуғ айём — 8 декабрь Конституция кунин билан самимий табриклайди!

Ҳамма оилаларга ободлик,
дастурхонларига тўкинлик,
қут-барака тилаймиз!

Байрамингиз муборак бўлсин!

Инсон манфаатларининг асоси ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимиз фуқароларининг барча қатламлари меҳнат қилиш, дам олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, билим олиш, нафақа билан таъминланиш каби ижтимоий ҳуқуқлари кафолатланади.



ЎЗБЕКИСТОН ЁҚИЛГИ-ЭНЕРГЕТИКА КОМПЛЕКСИ, КИМЁ САНОАТИ ВА ГЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ, МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ВАКИЛЛИГИ ЖАМОАСИ

миллий давлатчилигимизнинг қонуний асоси, халқимиз ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоячиси ҳисобланган Конституциямиз қабул қилинган кунга 17 йил тўлиши муносабати билан халқимизни ушбу муборак байрам билан қизғин табриклайди.

Тошкент шаҳридаги «MAXSUS POLIMER ZAVODI»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

мамлакатимиз аҳлини яқинлашиб келаётган Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан чин юракдан табриклайди!



Келажакимиз эгалари бўлган ёшларнинг ўқиб, билим олишлари учун юртимизда барча шарт-шароитлар, чексиз имкониятлар яратилган. Улардан фойдаланиш ҳуқуқи эса ҳар бир йигит-қиз учун мамлакатимиз Конституциясининг IX боб 41-моддасида қайд этилганидек, ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгаллиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланган. Шу муносабат билан 8 декабрь — Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган куннинг 17 йиллиги арафасида

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ, КОСОН ТУМАНИ САНОАТ ТРАНСПОРТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

**БАРЧА
ҲАМЎРТЛАРИМИЗНИ
САМИМИЙ
ҚУТЛАЙДИ!**



Юртимиз тинч, хонадонларимиз осойишта, фарзанд-ларимизнинг бахти бутун бўлсин. Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдек улғуф ниятларимиз йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз ҳамиша бароридан келсин. Байрамингиз қутлуғ бўлсин!



(Охири. Боши ўтган сонда)

Уларни жуда яхши кутиб олишди. Мезонлар ҳеч нарса кўрмагандай ҳазил-хузул қилиб ўтиришган бўлса-да, Сабоҳатнинг юрагида бир хавотир бор эди. У бежиз хавотирланмаган эди, иккинчи қадаҳдан кейин қаршисидоғи одамлар кўзига гоҳ чўзинчоқ, гоҳ юмалоқ бўлиб кўрина бошлади, ўзини кимдир китиклаётгандай тинимсиз кулгуси келарди. Бир вақт шериклари қоғозга нималарнидир ўраб, чека бошлашди. Унга ҳам таклиф қилинган эди, умрида оддий сигарет чекиб кўрмаган аёл улар тикиштирган нарсани ҳеч иккиланмасдан сўраверди, унга ҳозир барибир эди. Бу ишларни кўриб, англаб турар, аммо ўзини, ҳаракатларини идора қила олмас, вужудини эгаллаб олган тебрианишдан хузурланар ва бу нарса имкон даражасида узокроқ давом этишини истар эди. Ҳаммаси шу билан бошланиб кетди. Энди эрига ўзи таклиф қиладиган бўлиб қолди:

ди. Бу издиҳом тубида чир-пирак бўлаётиб, ҳатто нобакор эрини ҳам оқловчи асослар топар эди: Уям иложсиз бўлган-да!.. Ҳақиқатан ҳам у ҳам иложсиз бўлган. Эру-хотин бирга неча бор даволаниб, бирга «ташлашди», аммо кўп ўтмай, яна бирга «бошлашди».

Орадан олти ой ўтар-ўтмас, уни ишдан бўшатиб юборишди. Бундан эри ҳам, эрининг дўстлари ҳам жуда хафа бўлишди.

Сабоҳат эса парво қилмади.

— Ҳечқиси йўқ, бозорга чиқаман. Ана, қайнонамдан қанча биллур, чинни-чевар қолган. Шуларни айлантириб юрсам ҳам, бир рўзгорни эплаш мумкин.

— Рўзгорни-ку эпларсан, лекин... — чайналди эри.

— Уям бир гап бўлар... — нимага шама қилаётгани тушуниб, уни тинчитмоқчи

Жамила ЭРГАШЕВА

ИЗДИҲОМ



— Бир ош қилайлик... Энди эри тарозига соладиган бўлиб қолди:

— Ошни қиламиз, лекин анави савилни топиш қийин бўляпти. Бир танишим бор эди, нархини икки бараваар оширибди. Касалхонангдан сўраб кўрсанг-чи...

Сабоҳат ҳурсанд бўлиб кетди. Шу пайтгача касалхона эсига тушмаганига ҳайрон бўлди.

— Бўпти, Акрам акаларни ҳам қақиринг, бир мазза қилайлик.

Кизи «онажон, шу одамни уйдан чиқариб юборинг», деб оёқларига йиқилиб йиғлаганларида, ишонасидоғилар «Кимни илақиштинг, у бўлиммизнинг доимий мижози эди-ку, наҳот олдин кўрмаган бўлсанг?!» дейишганда, ўзи ҳам эри билан бекаддаги учрашувлари ҳеч тасодиф эмас, улфатлари билан биргаликда уюштирилган «сахна»лар эканлигини тушуниб етганда жуда кеч бўлган эди.

Ҳар сафар «бу охириги» деб ўзига, қизига ваъда берар, аммо жону-жаҳонини қақшатиб келгучи кайф оғригини енга олмай, яна издиҳом сари йўл олар-

бўлди ўзича.

— Қандай қилиб? Бойвачча отам бўлса экан, тоғганини бир томондан кемириб юраверсак. Ёш бўлсам экан, девор ошиб ўғирлик қилсам... Менга қара, шу ҳовли бизга нимага керак? Шуни сотиб, бир хонали квартира олайлик. Қолган пулини майда чайнаб еймиз.

Сабоҳат бош чайқади.

— Иложи йўқ. Бу уй қайнонамнинг укасиники. Яқинда сизнинг шу ерда яшаётганингизни эшитиб, «эрга теккан бўлсанг, уйни бўшат» деб келди. «Қизимни узатмасдан чиқмайман бу ердан», деди.

— Э-э, ўзи бир пулга қиммат хотин экансан-да, — гўжинди эри, — на ишинг бор, на уй-жойинг!

Сабоҳат энди эрим кетиб қолади, деб кўрқиб кетди. Гиёҳвандлар оламида эри ва унинг уч-тўрт жўраларидан бошқа ҳеч кимни билмайди. Агар ёлғиз қолиб кетса, пулсиз, дорисиз қандай яшашини ўйлаб, ваҳимага тушиди. Аммо эри Сабоҳат бор нарсасини сотиб, бир шолча билан қолмагунча кетмади.

Бир сўмга зор бўлиб, эр-хотин бир-

ХИКОЯ

бири билан жикиллашиб ўтиришган эди. Қаердандир тўлиб-тошиб Акрам ака келиб қолди. Эри хурсанд, елиб-югуриб дастурхон тузади.

— Акахон, зап кепсиз-да, нима қиласиз уйда зерикиб ўтириб? Айланиб, бизга ўхшаган ғарибу гураболарнинг ҳам ҳолидан хабар олиш керак. Савоб бўлади, ака.

Ётоҳхонага ўтиб, битта-битта ўқол қилиб, дам олиб ўтиришган эди, эри унинг ёнига ўтиб, белидан кучди:

— Бир таклиф бор, жоним!

— Ҳўш?...

— Биласан, «акахон» бўйдоқ, хотини вафот этгандан кейин болалар билан қийналиб қолди. Бизга қувв бўлса, нима дейсан?

— Бизга, қандай қилиб?

— Нилуга-да, ғалча?

— Нилу?! У хали бола-ку, — кайфнинг зўридан кўзини зўрга очиб ўтирган бўлса-да, миясининг қайсидир ҳужайралари қизига нисбатан қабиҳлик қилаётганини айтиб турарди.

— Нимага бола экан?! Ун тўрт ёшда бўлди. Момоларимиз тўққиз ёшида турмушга чиққан. Йўқ дема, хотин, «акахон»нинг дунёси нафақат қизингга, бизга ҳам етади. Ховлини эгаси олиб қўйса, қизингнинг уйига ўтиб яшаймиз. Нима дедингиз, «акахон»?

— Албатта! — кулди Акрам.

— Қани, хотин, янги оила учун оламиз. Нилу! Нилуфар!

Орадан анча ўтиб, остонада Нилуфар кўринди. Сабоҳат кўз олдини қоплаган гира-шира туман ичида қизининг нигоҳларидаги оғриқни кўрди, ўрнидан туриб, қизини бағрига босмоқчи, етаклаб ташқарига чиқиб кетмоқчи бўлди. Аммо у ўзини идора қиладиган ҳолатда эмас эди.

— Қани қизим, бу ёққа кел. Сени мана шу кишига бермоқчимиз. Агар рози бўлмасанг, онанг ҳам, мен ҳам оч-наҳор кўчада қолиб кетамиз.

Нилуфар бир зум онасига, сўнг атрофдагиларга қараб қолди, сўнг югуриб ташқарига чиқиб кетди.

«Акахон» ажойиб кўкнори олиб келган экан, қорадоридан кейин кўкнори сўришди. Сўнг қизилиб, уйда ўтиригилари келмай қолди. Уч тун тинимсиз ёққан қордан кейин ҳаммаёқ яхмалак бўлиб музлаган эди. Улар оғизда туپук музлаб қоладиган ҳавода бир қуйлакда кўчага чиқишиб, узоқ айланишди. Ховлига қайтиб киришганда токнинг вайишида чайқалиб турган нозиккина жуссага ҳеч ким эътибор ҳам бермади. Уйга кириб, ҳамма ҳар томонда чўзилиб-чўзилиб пинакка кетди.

Сабоҳат сахар пайти қандайдир ваҳима билан уйғонди. Югуриб қизининг хонасига кирди, хона бўм-бўш эди.

— Нилу! Нилуфар!... — нафаси буғзига тикилиб, ховлига югурди.

Войишда ҳам ҳаётдалигидаги каби бошини бир ёнга қийшайтириб, қимтинибгина турган қизини кўрганда бор дунёсидан айрилганини тушуниб етди:

— А-а!..


Унинг фарёидидан уйғониб кетган эри билан «акахон» воқеани англаб етишгач, ўғри мушукдек секингина ҳовлидан чиқиб кетишди.

Энди уларга Сабоҳатнинг кераги йўқ эди...



МИЛЛАР ВА РАҚАМЛАРСИЗ СОАТ?

Англиянинг Корпус-Кристи коллежи ("Corpus Christi College") да бўлиб ўтган ихтирочиликка бағишланган тадбирда профессор Стивен Хокинг ноъбанавий соатни намойиш этди.



Одатдагидан фарқли ўлароқ у соатни, дақиқа ва сонияни кўрсатувчи миллардан мустасно. Уларнинг ўрнига "Corpus Clock" деб номланган ушбу доира шаклидаги соат гардишида 60 та кесма мавжуд бўлиб, ёритувчи диодлар билан жиҳозланган. Тепасида махсус металлдан ясалган тишдор махлуқсифат уйинчоқ-чигиртка жойлашган. Унинг вазифаси оёқларини ҳаракатлантириб, гардишни айлантиришдан иборат.

Ҳар беш дақиқа оралиғида миллар ўрнидаги диодлар ёришиб, аниқ вақтни кўрсатади ва митти ёғду ҳолича маълум муддат қотиб туради. "Corpus Clock" соатини Жон Тейлор исмли шахс ихтиро қилди ва ушбу "санъат асари"ни англиялик ихтирочи-соатсоз Жон Гаррисонга бағишлади. 24 карат олтин билан қопланган ушбу ихтиро устида бир бутун усталар жамоаси ўта нозик дид билан иш олиб боришди. Мўъжизавий соатнинг нархи 1,8 миллион дўлларга баҳоланмоқда.

Шундай ажойиб соатнинг устига нега энди чигирткасифат махлуқнинг ёвуз қиёфаси ишланган, деган савол туғилиши мумкин. Аммо бу тасвирдан ёвузлик тимсолони эмас, вақтининг бешафқатлиги ҳақидаги ҳикматни ўқиш мақсадга мувофиқдир.

Наргиза САРИМОВА
тайёрлади.

ДАРДНИНГ КИЧКИНАСИ БЎЛМАЙДИ

Яқинда бир танишимиз қизини узатадиган бўлиб қолди. Қиз ойдайгина, ақли ҳуши ҳам жойида. Фақат никоҳдан олдин қувв бола билан тиббий кўрикдан ўтгани боришибди. Қизни текширтиришса, ўпкасида сув тўплана бошлагани, тезроқ муолажалар ўтказилмаса, бунинг оқибати ёмон бўлиши мумкинлигини айтишибди. Ҳамма ҳайрон. Ахир бу қиз шу пайтгача жиддий касал бўлмаган, нари борса тумов-пумовга чалинган, холос.

Лекин қизнинг бу касаллиги айнан ўша оддий тумов асорати бўлиб чиқди. Агар бемор вақтида тиббий кўриқдан ўтиб турганда бу ёмон ҳолатнинг олдини олган бўлардиқ, дейишибди шифокорлар. Энди ота-она жон жаҳди билан қизини даволатиш ҳаракатига тушган, қувв тараф эса касал қизни ке-

лин қиламизми, деб иккиланишда. Агар ўша пайтда, яъни қиз қаттиқ шамоллаб тузалиб кетгандан кейин ҳам шифокор кўриқдан ўтиб турганда, оддийгина, арзимасдек кўринган шамоллаш каби кичкина бир дарднинг асорати шу қадар оғир ҳолатга олиб келмасмиди? Шунинг учун ҳам ҳар биримиз бизга табиат томонидан инъом этиб берилган омонат жонимизни асрашгина эмас, унинг ҳақиқий аҳволи қандайлигини шифокор кўриқидан ўтиб турган ҳолда текширтириб туришимиз шарт. Тиббий кўрик балки ким учундир ҳақиқатдан ҳам кўрқинчлидар, аммо бу жонимизни, соғлигимизни бой берилмаган кўра минг марта афзал ва керакли жараён эканлигини унутмаслигимиз лозим. Фурсатдан фойдаланиб, оиламиз номидан саломатликка доир қатор долзарб мавзуларни кўтариб чиқаятган газета жамоасига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

МУНОСАБАТ

Санобар РАҲМОНОВА, Жаркўрғон туманидаги 7-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Ховлига хорфин қиёфада кириб келган Мастура қўлидаги челақларни кизига туқазди.

— Манави, зормандаларни ол, ўлар бўлсам, ўлиб бўлдим.

— Пўчоқларни эҳтиётлаб ол. Бирда шакар, бирда гўшт бор. Боғчадан олиб чиққунча жоним халқумимга келди. Янги қоровул ўлгур "синглим,

бориб келди дегунча, майда-чуйда пуллар йўқоляпти.

— Ним-ма?! — Мастуранинг ранги ўзгарди. — Бу билан сиз қизимни ўрига чикармоқчимисиз?!

— Узингизни босинг, аввал мени эшитинг, кейин сиз гапирасиз.

— Сизки бувиси бўла туриб, бо-

— Мен, элнинг олдида юрган одамман! Болаларим бошқа-

ларга ўрнак бўлиши керак, тушундингизми?! Севара сизнинг қизингиз-у, нима, менга бегонами?! Шунанга чирсиллаб кетишингизни билганим учун, аввал ҳам индамовдим. Унга неча марта насиҳат қилдим, танбех бер-

ТЕКИН ЛУҚМА ТАТИМАС

ишқилиб, пўчоқлар билан бирга яна бошқа нарсаям олиб кетмаяпсизми?" дейди ўсмоқчилаб.

Мастура ёзгира-ёзгира ҳовли ўртасидаги сўрига бориб ўтирди. Наргиза чой дамлаб келди.

— Чарчадингизми, ойихон?

— Э-э, нимасини айтасан... Синглинг кани?

— Бувим чақиртирган экан, уйлари тозалаб беришга кетувди.

Мастура неча йилдан буён боғчада ошпаз бўлиб ишлайди. Оғилхонага иккита кўчқорни боғлатиб олган. Янги ишга кирган вақтида эрига, "битта кўй олиб берсангиз, қолган-қутган пўчоқларни олиб келиб боқардим. Шундоғам ташлаб юборяямиз, увол-а", деганида Содиқжон уни уришиб берди: "Нима энди, қўйларга болаларнинг ҳақини едирмоқчимсан?"

Шунда кайнонаси ўртага тушиб:

— Йўғ-е, болам, нималар деясан, келинимнинг инсофи бор, қолган-қутган овқатларни увол қилиб ташлагандан кура, молларга берса яхши масми? Ҳам рўзгорингга барака кирди, деганди.

Мана шунга ҳам уни беш йилча бўлиб қолди. Кичик кизи Севара тугилмаганди хали. Энди эса, бувисига қарашиб юрибди.

Мастура ҳовлидаги юмушларга унмамоқчи бўлиб, ўридан турганди, эшикдан кайнонаси Севарани етаклаб кириб келди.

— Ассалому алайкум, келинг ойихон, — Бахринисо аяга пешвоз чиқди у.

Хол-аҳвол сўрашгач, кайнонаси келинининг юзига термилди.

— Яхши ўтирибсизларми, болам? Мастура бирдангга сездми — аянинг муҳим гапи бор.

— Сизни келиниммас, қизим деганман-а?..

— Ойихон, тинчликми ўзи?

— Тинчликмас, гапимни яхшилаб эшитинг, фақат жаҳлингиз чикмасин, қизим. Биласиз, Севарани жуда яхши кўраман... — Бахринисо ая жим қолди, афтидан у тилининг учидагини айтишга қийналаётганди...

— Анчадан бери.. Шу неварам уйга



ламни ўғри деб турсангиз, бошқалардан нимани кутаман? Тунов кунни қўнғимин Гулнора ҳам, "қизимнинг тўғноғинини Севарангиз тақиб юрганмиш", деб тухмат қилиб кирувди. "Нима, бозорда битта селларга сотиб-дими," деб, уришиб бердим. Энди сиз уни қўлини эгриликда айлаб турибсиз... — Мастуранинг кўзи ёшларан, овози титтарди.

— Болам, мен Севарани айблагани келганим йўқ, яхши гапириб, насиҳат қилиб, секин суриштиринг.

— Қизим бечора уйингизни тозаласин, танбехларингизни эшитсин, яна келиб ўғри деб турсангиз, шу элми энди сизга? — Мастура кайнонасининг оғзини очтиришга қўймай, ёзгира кетди.

— Менга қаранг! — Бахринисо ая ҳам кескин овозда бақирди юборди.

дим. Фойдаси бўлмади. Ўғлим Содиқжонни, сизни ўйладим. Биламан, болам ҳалол, пешона тери билан ризқ топади.

— Унда меники ҳаром экан-да, шундай демокчимисиз?! — йилғасираб қичира кетди Мастура.

— Мен қайдан биламан, балки болаларни ризқини қилиб, ул-бул нарсаси олиб келиб, невараларимга едир-гандирсиз?

— Ойи, нима деётганингизни билайсизми? Эртадан кечгача шу рўзгоринг камчилигини тўлдираман, деб юрибман...

— Нафс ўлгур ёмон, шуну билингки, бир тишлам ҳаром луқма ҳам бир кунга болалар тарбиясида бўй кўрсатади. Хўш, Севаранинг айбини сиз яширсангиз, мен яширсам, ҳадемай турмушга узатсак, кейин нима бўлади? Таъна-маломат кимга айтилади?

Кампирнинг гапи чала қолди, бир пайт ошхона тарафдан Севаранинг овози эшитилди.

— Вой, ойи, айтмасиз-а, пўчоқнинг остида гўшт бормиди? — деди у челақларни тоғорага бўшатаркан.

— Унисиди шакар бор экан, эҳтиётлаб олсанг бўлмайди? — ошхонадан югуриб чиққан Наргиза синглисининг қўлидаги елим халтани олди.

Хозиргина кайнонасига қараб ўзини оқлашга уринаётган Мастуранинг юзлари бирдан қизариб кетди. Бироздан сўнг зўрга:

— Нима қилай ойи, шу ўғлингизга ёрдам бўлсин, деб... У кишиям биллади, — ўзини оқлашга уринди Мастура.

— Тавба денг, болам, қуш уясида кўрганни қилади, деб беҳуз айтишмаган. Содиқжон келса мени олдимга борином...

Бувиларининг ўз оналарига қараб айтаётган аччиқ гапларини эшитиб ўтирган қизлар нима қилишларини билмай, деворга суяниб туришар, Мастура эса бошини эгганча унсиз йилғарди...

Ҳамроҳон МУСУЛМОНОВА

Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!



БАХТЛИ ОТАМИЗ РОЗИ...

«Бежизга ёшлар турмуш қуришга ётганда «кўша қаринлар» дея тилак билдирилмас экан. Онамнинг вафотидан кейин отам жуда чўкиб қолдилар. Гарчи фарзандлари, келинлари атрофига парвона бўлсакда, аммо онанинг ўрнини ҳеч ким босолмади. Отам аввалгидек маъракаларда иштирок этмайдиган, қариндош-уруғларга қўшилмайдиган одат чиқарди. Охири бизлар ўзаро келишиб, у кишининг қарши-лигига қарамай, сизларга мурожаат этишга қарор қилдик. Отамиз айна пайтда нуфузли бир ташкилотда ишлайди, ёши 55 да. Иймон-эътиқодли, ораста, оқила бир аёл топилса, хурсанд бўлардик».

Аслиддин, Тошкент шаҳри.

БАХТИ БУТУН БЎЛСАЙДИ

«Дугонам чиройли ва оғир, вазмин қиз бўлгани учун талабалик йилларида кўпчилик курсдош йигитлар ёқтирарди. У курсимизнинг олд қизларидан бўлгани учун бизлар ҳам унга ҳавас қилардик. Олий даргоҳни битирган йили у ота-онаси розилиги билан турмушга чиқди. Унга етишолмаган йигитлар эса доғда қолди. Аммо «бир кам дунё» деганларидек, ўрталарида фарзанд бўлмади. Гарчи уларни фар-

зандсизлик қийнаса-да, эр-хотин ахил-иноқ эди. Аммо йигитнинг қариндош-уруғлари «бизга фарзанд кўрмайдиган келин керак эмас» дея уларни тинч яшашларига қўйишмади, турмуш қўрганларига атиги 3 йил бўлмасдан ажратиб юборишди. Дугонам 28 ёшда. Айна пайтда Тошкентдаги олий ўқув юртидан бирида ўқувчилик қилади. Агар уни бахтли қилмоққа муносиб инсон топилса бошим осмонга етарди».

Мақтаба, Хоразм вилояти.

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар ўзлари билан паспортлари нусхаси ҳамда яшаш жойида (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади. **МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46**

Муассислар: Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлғазмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 15:00
Босишга топширилди - 16:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел, ва факс) 233-28-20
Мухбирлар: 234-25-46
Котибият: 233-04-35
Реклама бўлими: 233-04-50

Web-site: oilavajamiyat.uz

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

БУНА ИНДЕКСИ - 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Буюртма Г - 1132. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ, Адади - 9118
Набатчи - Нигора РАҲМОНОВА
Саҳифаловчилар - Илҳом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОҚОВ
Мусаҳҳиллар - Саидгани САЙДАЛИМОВ, Камола АҲМЕДОВА

ISSN 2010-7609 2 3 4 5

«ИНФАРММАДАД»

Саломатлик марказига марҳамат!

Марказда сизнинг хизматингизда — эндокринолог, невропатолог, кардиолог, гинеколог, уролог, гелиминтолог, лор, окулист, болалар невропатологияси соҳаларидаги малякали шифокорлар шунингдек, УЗИ, ЭХО, ЭКГ, лаборатория, физиотерапия хизмати фаолият олиб боради.

КўПЛАБ ОИЛАЛАРГА ФАРЗАНД ҚУВОНЧИНИ ТУҲФА ЭТИБ КЕЛАЁТГАН САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ, СИЗНИНГ ҲАМ ХОНАДОНИНГИЗДА ЧАҚАЛОҚ ОВОЗИ ЯНГРАШИГА САБАБЧИ БЎЛАДИ!

Ёш келинлар турмуш ўртоғи билан ҳомилдорлик вақтида «Бўлажак оналар мактаби»га қатнаб, тегишли маслаҳатлар билан бирга даволаш гимнастикаси (ЛФК), психоневролог, кардиолог (ЭКГ) кўригидан ўтиб, фойдали йўл-йўриқлар олиб туриши мумкин.

Энди дунёга келган чақалоқлар эса муназам равишда болалар невропатолог, педиатр, психолог, эндокринолог, логопед, гелиминтолог кўригида бўлади.

Ҳурматли эркаклар! Агар сизда бел, қовуқ соҳасида оғриқ бўлса, тунда ҳоҳлатга тез-тез чиқиши, пешоб келандан сўнг ачиши, жинсий оқсизлик, бепуштлиқ, сабабсиз бош оғриғи, бел, бўйин оғриб, қотиб қолиши, асабийлик, уйқусизлик, семизлик ҳолатлари кутатилса, малакали уролог, сексопатолог, невропатолог, эндокринолог ёрдамида барча дардлардан тезда фориғ бўлишингиз мумкин.

Благот ёшидаги қизларда ҳайз келганда қучли оғриқ бўлиши, бепуштлиқ, сабабсиз қон кетиши, туҳмудон кистаси, асабийлашиши, қирқ ёшдан ошган аёлларда қон босимининг ошиши, терлаш, миома, эрозия ҳолатлари бўлса, малакали гинеколог, невропатолог, кардиолог, эндокринолог ёрдамида даволанади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, «Гафур Ғулوم» метро бекати.
МЎЛЖАЛ: Цирк томонга 150 метр юрилади.
Тел: (8-371) 244-73-24, 244-49-02
Барча хизматлар лицензияланган.

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларга таклиф этади.

- Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
- Аёллар костюм-шимми, плащ-пальто — 1-2 ой.
- Ҳамширалар — 6 ой, 4 ой ўқуш, 2 ойи амалиёт.
- Тиббий массаж — 2 ой амалиёт билан. Нўқтали — 1 ой.
- Торт ва пишириқлар амалиёти билан — 2 ой.
- Пишириқлар олий курси — 1 ой.
- Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой, амалиёт билан.
- Аёллар сартарошлиғи — 3 ой, амалиёт билан.
- Педикюр, маникюр — 1 ой, амалиёт билан.
- Сартарошлик — 3 ой, амалиёти билан.
- Тўй ва оқшом турмақлари ва мажия — 1 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
- Парда ва чойшаблар — 1 ой амалиёт билан.
- Сартарошлик — 2-3 ой ўқиб болалар учун. Салонда Кашгачилик — 3 ой машинада вишивка.
- Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Бисер тикши, ёнги муноқот тикши — 2 ой.
- Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
- Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.
- Арабча ва миллий рақс — 3 ой.

■ Машгулотлар амалиёти билан
■ Ётоқхона мавжуд
Ўқини тугатганларга ДИПЛОМ берилади

Манзил: Юнусобод тумани, 3 мавзе, 1-уй, 31-хона.
Мўлжал: Юнусобод дехқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 кундузи, 225-97-93
18:00дан 22:00 гача.

Мухтарам муштарийлар! Ушбу сондаги кўшсаҳифалар бепул илова қилинмоқда.

Газетамизнинг навбатдаги сони 17 декабрь кунги чиқади